2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 10 (1609), 2026 йил 16 январь, жума

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news | yuz.uz_news

# ОЧИҚ ВА ПРАГМАТИК ТАШҚИ СИЁСАТ ЎЗБЕКИСТОННИ ГЛОБАЛ ТИНЧЛИК ВА ДИПЛОМАТИЯ МАРКАЗЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНТИРДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 15 январь куни Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда хориждаги дипломатик ваколатхоналар фаолияти масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.**





Йиғилиш аввалида давлатимиз раҳбари мазкур учрашув жаҳонда кескин геосиёсий ўзгаришлар бўлаётган, давлатлар суверенитетига хавф-хатарлар тобора кучайиб бораётган мураккаб бир пайтда ўтаётганини қайд этди. Бундай шароитда ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятни танқидий муҳокама қилиб, Ташқи ишлар вазирлиги ва хориждаги дипломатик ваколатхоналар ишини янгича ташкил қилиш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ташқи сиёсат борасида 2025 йил кўп жиҳатдан натижадор бўлганини қайд этди. Ўтган йили 26 та хорижий давлатга олий даражадаги ташрифлар амалга оширилди, янги тарихимизда илк бор қатор давлатлар раҳбарларининг Ўзбекистонга ташрифлари ташкил этилди. “Марказий Осиё плюс” форматидаги кўп томонлама мулоқотлар сермаҳсул бўлди. Сўнгги йилларда 11 та давлат билан стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилиб, уларнинг умумий сони 19 тага етди, Қозоғистон, Озарбайжон ва Тожикистон билан иттифоқчилик муносабатлари йўлга қўйилди.

— Очиқ, прагматик, пухта ўйланган ва ташаббускор ташқи сиёсатимиз натижасида Ўзбекистон глобал тинчлик ва дипломатия марказларидан бирига айланиб бормоқда, — деди Президентимиз.

2017 йилдан буён хорижий давлатларда 16 та янги дипломатик ва консуллик ваколатхоналари очилиб, уларнинг сони 60 тага, дипломатик алоқа ўрнатилган давлатлар сони эса 165 тага етди. Элчихоналар, консуллик муассасалари ва халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналар штатлари ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги ходимларининг иш ҳақи оширилгани қайд этилди.

Шу билан бирга, “Барча дипломатик ваколатхоналар мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланяптими?” деган масала ўртага қўйилди.

— Ҳозирги шароитда элчи дегани фақат сиёсий мулоқот юритувчи шахс эмас. Элчи — инвестиция ва технология олиб келадиган, янги экспорт бозорларини очадиган, транспорт-логистика йўлакларини ишга соладиган, туристлар оқимини кўпайтириб, қонуний меҳнат миграцияси учун шароит яратадиган, энг асосийси, фуқароларимиз ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган давлат вакилидир, — деди Президентимиз.

Шу муносабат билан элчилар учун улар фаолият юритаётган давлатлардан экспорт тушумлари, туристлар оқими ҳамда ушбу мамлакатларга қонуний меҳнат миграцияси самарадорлик мезони бўлиши қайд этилди.

Иқтисодий дипломатияни кучайтириш орқали экспорт ва инвестиция ҳажмини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Икки ва кўп томонлама тадбирлар доирасида 2025 йилда умумий қиймати 160 миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари ва савдо шартномалари бўйича битимлар имзоланди. Тарихда илк бор ташқи савдо айланмаси 80 миллиард доллардан ошиб, экспорт 33,5 миллиард долларга етди, хорижий инвестициялар эса 43 миллиард доллардан ошди. Ўтган йили 75 та давлатга экспорт ҳажми қарийб 4,5 миллиард долларга кўпайди.

Шу нуқтаи назардан элчиларга Яқин Шарқ, Европа, Осиё ва Африка давлатлари йўналишларида экспортни кенгайтириш, саноат, қишлоқ хўжалиги, кимё, тўқимачилик, иссиқхона ва хизматлар соҳаларида аниқ лойиҳалар билан ишлаш вазифалари қўйилди. Айрим бозорларда Ўзбекистон маҳсулотларининг номи етарлича танитилмаётгани қайд этилди.

Логистика харажатларининг ортиши миллий маҳсулотлар рақобатдошлигига салбий таъсир кўрсатаётгани таъкидланиб, Европа бозорларига чиқишда транзит йўналишларини диверсификация қилиш, логистика занжирларини қисқартириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида тежамкор технологиялар, инновацион иссиқхоналар тажрибасини ўрганиш, уларни ҳудудларимизда жорий этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди. Шунингдек, кимё саноати маҳсулотлари учун янги экспорт бозорларини очиш, стандарт ва талабларни ишлаб чиқарувчиларга етказиш, кўргазмалар ташкил этиш масалалари қайд этилди.

*Давоми 2-бетда*

# МАДАНИЯТ ВА ТУРИЗМ БЎЙИЧА ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР ЎЗАРО УЙҒУН ҲОЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев халқаро маданий тадбирларнинг натижалари, туризм соҳасини ривожлантириш бўйича навбатдаги вазифалар ҳамда йирик маданият ва туризм объектларини барпо этишга оид тақдимот билан танишди.**

Сўнгги йилларда Ўзбекистон халқаро маданият маконида ўз мавқеини изчил мустаҳкамлаб бормоқда. Самарқандда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси 190 мамлакатдан 3 мингдан ортиқ делегатлар иштирокида муваффақиятли ўтказилди. Тадбир якунларига кўра, Ўзбекистоннинг маданий меросни муҳофаза қилиш, таълим ва креатив иқтисодиёт бўйича ташаббусларини амалиётга жорий этиш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Мамлакатимизнинг Японияда бўлиб ўтган ЭКСПО-2025 Бутунжаҳон кўргазмасидаги иштироки якунлари сарҳисоб қилинди. Ўзбекистоннинг 1,2 минг квадрат метр майдонда ташкил этилган “Билимлар боғи” павильонига 1 миллион нафарга яқин одам ташриф буюрди. Тақдим этилган экспозициялар халқаро миқёсда кенг ёритилди ҳамда энг кўп ташриф буюрилган павильонлар қаторидан жой олди. Айни пайтда Саудия Арабистонида бўлиб ўтадиган ЭКСПО-2030 кўргазмасида иштирок этишга тайёргарлик ишлари бошланиб, майдони 3,6 минг квадрат метр бўлган павильон қурилиши режалаштирилган.

Бухорода ўтказилган биринчи Замонавий санъат биенналесига алоҳида эътибор берилди. 70 кун давом этган тадбир 3,5 гектар майдонни ва 14 та реставрация қилинган маданий мерос объектларини қамраб олди. Биенналеда 40 дан ортиқ давлатдан 70 нафар ижодкор ва куратор иштирок этди. Тадбирда иштирок этганларнинг сони қарийб 1,8 миллион нафарни ташкил этиб, жумладан, 100 нафардан ортиқ юқори мартабали хорижий меҳмон ташриф буюрди. Ўзбекистоннинг 2021 йилдан буён Венеция биенналесида доимий равишда иштирок этиши эса Италиядан сайёҳлар оқимининг ўсишига хизмат қилаётгани таъкидланди.

Мамлакатда йирик халқаро концерт дастурлари ўтказилди. Хусусан, Тошкентда Женнифер Лопес, Хивада Black Coffee, Самарқандда Андреа Бочеллининг концертлари бўлиб ўтди. Тадбирларни ўтказиш даврида мазкур шаҳарларда меҳмонхоналардан фойдаланиш даражаси 90 фоиздан ошди, бу эса туризм ва хизматлар соҳаси даромадларига ижобий таъсир кўрсатди.

2025 йилда сайёҳлар сони 11 миллиондан ошиб, туристик хизматлар экспорти 4,8 миллиард долларга етгани, шунингдек, визасиз тартиб жорий этилган давлатларнинг сони 94 тага кўпайгани қайд этилди.

Шу билан бирга, туризм соҳасини лойиҳа бошқаруви тизимига ўтказиш, туризм маҳсулотларини яратиш ва ривожлантириш бўйича ягона механизмни жорий этиш ҳамда йирик тадбирларни мувофиқлаштиришни кучайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Соҳа фаолиятини рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Давлат ва хусусий ахборот тизимларини уйғунлаштириб, Миллий туризм платформасини ишга тушириш, туристлар ва тадбиркорлар учун проактив рақамли хизматларни жорий этиш, нақдсиз ҳисоб-китобларни кенгайтириш ҳамда туристлар оқимини таҳлил қилиш вазифалари белгилаб берилди. Рақамлаштириш орқали яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш ва сайёҳлик йиғимидан йиллик тушумларни ошириш режалаштирилгани қайд этилди.

Мамлакатимиз туризм салоҳиятини АҚШ, Форс кўрфази давлатлари, Ҳиндистон, Хитой ва Скандинавия каби устувор бозорларда илгари суриш бўйича янги маркетинг стратегиясини амалга ошириш зарурлиги таъкидланди. Ўзбекистоннинг халқаро туристик платформалардаги иштирокини кенгайтириш, рақамли контентни ривожлантириш ҳамда йирик медиа ресурслари ва фикр етакчиларини жалб қилиш вазифалари белгиланди.

Тақдимотда йирик маданият ва туризм объектлари лойиҳалари кўриб чиқилди.

Самарқандда “Самарқанд мероси йўлаги” лойиҳаси иш бошламоқда. Регистон ансамбли, Бибихоним ва Шоҳи Зинда мажмуалари ҳамда Мирзо Улуғбек расадхонасини 6,6 километрлик ягона сайёҳлик йўналиши ўзаро боғлайди.

Самарқандда янги “Ипак йўли” музейини қуриш лойиҳаси тақдим этилди. Умумий майдони 19,5 минг квадрат метрни ташкил этадиган уч қаватли замонавий бино қурилиб, унда инклюзив муҳит, кўргазма заллари, экспонатларни сақлаш фондлари, шунингдек, таълим олишга мўлжалланган ҳудудларни яратиш кўзда тутилган.

Мирзо Улуғбек расадхонаси ҳудудида ландшафт дизайнини янгилаш режалаштирилмоқда. Янги музей биноси, иммерсив кўргазма заллари, ташриф буюрувчилар учун марказ барпо этилади. Пиёда йўлаклари ободонлаштирилиб, археологик объектлар ягона музей муҳитига уйғунлаштирилади.

Шунингдек, Бухоро шаҳрининг бош режаси тақдим этилди. Унда қулай шаҳар муҳитини шакллантириш, транспорт ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек, конгресс-холл, амфитеатр, кутубхона, фуд-холл, чакана савдо ва тижорат объектлари ҳамда юқори тоифали меҳмонхонани ўз ичига оладиган кўп функцияли мажмуа сифатида тарихий-этнографик боғ барпо этиш назарда тутилган.

Муҳокама якунида Президентимиз маданият лойиҳаларини туризмни ривожлантириш вазифалари билан ўзаро боғлаган ҳолда амалга ошириш, уларнинг иқтисодий барқарорлиги ва сифатли бошқарувини таъминлаш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

**ЎзА**

# “МЕНИНГ МАКТАБИМ” ЛОЙИҲАСИ НИМАСИ БИЛАН МУҲИМ?




**Ғоядан амалиётга**

**Маълумки, 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларнинг биттадан туман(шаҳри)да ва Тошкент шаҳрининг 1 та туманида синов тариқасида “Менинг мактабим” лойиҳасини амалга ошириш белгиланган эди. Айни пайтда жараён қандай кечаётгани, лойиҳани ўтказиш тартиби, аҳамияти ҳақида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мутахассиси Улуғбек Чориев тақдим этган маълумотлар асосида батафсилроқ тушунчага эга бўлдик.**

OpenBudget
O'zbekiston Respublikasi "Ochiq Budjet" Portali



“Менинг мактабим” — умумтаълим муассасаларини ривожлантириш, ўқувчиларнинг таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган очиқ лойиҳа бўлиб, унда иштирокчилар мактаб инфратузилмаси, таълим сифати ва муҳитини, дам олиш шароитларини яхшилашга қаратилган ғоялари билан иштирок этади. Яъни 5-синфдан 11-синфгача бўлган ҳар бир ўқувчи ўзи таълим олаётган умумтаълим мактабига доир лойиҳаларни илгари суриши ҳамда ушбу лойиҳаларга овоз бериши мумкин.

*Давоми 5-бетда*



**Парламентнинг назорат-таҳлил фаолиятини тубдан оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Унинг қонунчилик базаси мустаҳкамланяпти. Миллий парламентга яна бир ваколат берилмоқда. Яъни эндиликда давлат кафолати остида ташқи қарз олишни маъқуллаш масаласи парламентга ўтказилади.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 16 январь, 10-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

# ОЧИҚ ВА ПРАГМАТИК ТАШҚИ СИЁСАТ ЎЗБЕКИСТОННИ ГЛОБАЛ ТИНЧЛИК ВА ДИПЛОМАТИЯ МАРКАЗЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНТИРДИ

**Бошланиши 1-бетда**

Янги экспорт йўналиши сифатида Африка қитъаси билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Шу мақсадда тегишли вазирликлар ва элчилар иштирокида аниқ “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш топширилди.

Элчилар лойиҳа топиш, уни олиб келиб, ишга туширишдан манфаатдор бўлиши кераклиги қайд этилди. Аниқ инвестиция ёки экспорт лойиҳасини якунига етказган элчиларни моддий рағбатлантириш амалиёти жорий этилиши белгиланди.

Айрим соҳаларда элчилар ва тармоқ раҳбарлари мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаётгани танқид қилинди. Хусусан, халқаро грантлар жалб қилиш бўйича салоҳият етарли даражада ишга солинмагани қайд этилди. Агар вазирликлар ва тармоқ раҳбарлари элчилар билан ҳамкорликни тўғри йўлга қўйганида ўтган йили қўшимча равишда яна камида 200-300 миллион доллар грант жалб қилиш мумкин эди.

Қайд этилганидек, халқаро ташкилотлар ва донор мамлакатлар ҳар йили 200 миллиард долларга яқин халқаро грантлар эълон қилмоқда. Ушбу ресурслардан самарали фойдаланиш, грантлар билан ишлаш бўйича ягона ва тизимли ёндашувни жорий этиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Швейцария, Хитой, Япония ва Сингапурдаги элчилар билан биргаликда дунёдаги ТОП-100 таликка кирувчи етакчи хорижий олий таълим муассасаларини Ўзбекистон олийгоҳларига ҳамкор сифатида жалб этиш бўйича аниқ чоралар кўриш зарурлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтиришда ҳудудлар ва элчихоналар ўртасидаги ҳамкорлик етарли даражада йўлга қўйилмагани қайд этилди. Вилоят ҳокимларининг элчилар билан биргаликда ҳудудларда ишлаб чиқарилаётган экспортбоп маҳсулотларни тизимли равишда хорижда илгари суриши, маҳаллий корхоналарнинг ташқи бозорларга чиқишида фаол иштирок этиши зарурлиги таъкидланди.

Навбатдаги устувор вазифа сифатида фуқароларимизни хорижда қонуний ва юқори даромадли иш ўринлари билан таъминлаш белгиланди. Тартибли меҳнат миграциясининг географияси кенгайиб бораётгани, лекин айрим мамлакатларда бу йўналишда иш етарли даражада ташкил этилмаётгани кўрсатиб ўтилди ва элчиларга тегишли топшириқлар берилди.

Элчихоналар ва консулликлар фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда фаол бўлиши, ҳар бир ҳолат бўйича малакали юридик ёрдам кўрсатиши шартлиги таъкидланди. “Кабинет дипломатияси”дан воз кечиб, жойларда ишлаш, ватандошлар билан бевосита мулоқот қилиш вазифаси қўйилди.

Туризм соҳасида элчиларнинг ролини янада кучайтириб, туризм ва маданият бўйича ишларга янги ёндашув жорий этиш, визасиз режимлардан самарали фойдаланиш, халқаро аутсорсинг компанияларни жалб этиш зарурлиги қайд этилди.

Шунингдек, ташқи сиёсий алоқаларни кенгайтириш, олий даражадаги ташрифларга пухта тайёргарлик кўриш, дипломат кадрларни қайта тайёрлаш ва истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ташқи ахборот сиёсати ва мамлакат имижини оширишда халқаро ОАВ ва махсус медиа лойиҳалар билан ишлаш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсат фаолияти концепциясини янгилаб, унинг устувор йўналишларини қайта кўриб чиқиш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва халқаро майдонда мамлакатимизнинг ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ вазифаларни белгилаб олиш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, янги концепция мамлакатимизнинг узоқ муддатли стратегик мақсадларини, ички ислоҳотларимиз мантиғини, иқтисодий дипломатия, хавфсизлик, инвестиция, экспорт, транспорт-логистика, сув ва иқлим масалаларидаги миллий манфаатларимизни яхлит ва ўзаро боғлиқ ҳолда акс эттириши лозим.

Дипломатларимизнинг хизматларини муносиб эътироф этиш мақсадида “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган дипломат” фахрий унвонини таъсис этиш таклиф этилди.

— Энди янгича руҳда ишлайдиган, аниқ натижаларга эришаётган, Ўзбекистон манфаатларини халқаро миқёсда қатъий ҳимоя қиладиган дипломатлар даври келди, — деди давлатимиз раҳбари йиғилиш якунида.

Йиғилишда хориждаги элчиларнинг ҳисобот ва таклифлари тингланди.

**ЎзА**

---

**Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган навбатдаги Мурожаатномаси янги Ўзбекистон тараққиёт йўлини белгилаб берувчи стратегик дастур сифатида кенг жамоатчилик, халқаро экспертлар ва илмий доиралар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.**

# МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ ПОЙДЕВОРИ



Эксперт сифатида Мурожаатномани диққат билан кузатиб, унда илгари сурилган ҳар бир ташаббус мамлакатимиз тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидламоқчиман. Зеро, у жамият кайфиятини аниқ ҳис этган, халқ орасидаги фикр, таклиф ва кутилмаларни ўзида мужассам қилган муҳим сиёсий чиқиш бўлди.

Давлатимиз раҳбари жамият ҳаётининг барча жабҳасини қамраб олган аниқ вазифалар, амалий режалар ва стратегик мақсадларни белгилаб берди. Аввало, сўнгги 9 йилда амалга оширилган ислоҳотларни чуқур таҳлил қилди, ортга назар ташлаб, эришилган натижаларга холис баҳо берди. Ҳақиқатан, Мурожаатномада келтирилган кўрсаткичлар ва тарихий ютуқларни 7-8 йил олдин тасаввур қилишнинг ўзи мушкул эди.

2025 йил янги Ўзбекистонни барпо этиш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга эга давр бўлди. Нутқ мазмунидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, 2026 йил ҳам янги марралар забт этиладиган, изчил ислоҳотлар давом эттириладиган йил бўлади.

Мурожаатномада 2026 йилда амалга ошириладиган 6 та устувор йўналишдан иборат комплекс дастур илгари сурилди. Аҳамиятлиси, улар бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда аҳоли фаровонлигини ошириш ва инсон қадрини юксалтиришга қаратилган.

Устувор йўналишларнинг биринчиси — маҳалла инфратузилмасини тубдан яхшилаш ва уларга янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш. Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, аҳоли ислоҳотларни, энг аввало, маҳалладаги йўл, сув, электр тармоқлари, мактаб, боғча ва тиббиёт хизматлари сифати ҳамда қамрови орқали ҳис қилади. Шу боис, маҳаллани ривожлантиришга комплекс ёндашув жорий этилмоқда.

Жорий йилда илк бор маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш учун 20 триллион сўм ажратилади. 2030 йилга қадар барча маҳаллага янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш асосий мақсад этиб белгиланди.

Бу маблағ иш ўринлари очиш, аҳоли даромадини оширишга хизмат қиладиган ташаббусларга йўналтирилади. Буни маҳаллаларга қаратилган тизимли ижтимоий инвестиция деб баҳолаш мумкин.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугунги глобал рақобат шароитида фақат замонавий технология ва инновацияларга таянган давлатлар барқарор ривожланишга эришмоқда. Шу боис, мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча соҳасида самарадорлик асосий мезон сифатида белгиланмоқда.

Инвестицияга ёндашув ҳам тубдан ўзгаради. Энди сармоя фақат молиявий ресурс эмас, балки янги технологиялар, замонавий билимлар ва экспорт салоҳиятини олиб кириши шарт. Шу мақсадда стратегик инвесторлар учун ер ажратишнинг шаффоф механизмлари, “ягона дарча” тамойили асосида хизмат кўрсатиш, махсус имтиёзлар ҳамда халқаро арбитраж имкониятлари яратилади.

Иккинчи устувор йўналиш — иқтисодиётни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш доирасида иқтисодиётни замонавий, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган тизимга айлантириш стратегик вазифа сифатида белгилаб олинди.

Президентимиз учинчи — ички бозорда талабни рағбатлантириш ва хизматлар соҳасини ривожлантириш устувор йўналиши доирасида хизматлар соҳасини иқтисодиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида белгилади. Мазкур соҳа аҳоли бандлиги, даромади ва ички бозор фаоллигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. 2026 йилда хизматлар соҳасини ривожлантириш учун 85 триллион сўм кредит ва 9 триллион сўм субсидия ажратилиши режалаштирилган. Натижада хизматлар бозори ҳажмини 100 миллиард доллардан ошириш мақсад қилинган.

Тўртинчи устувор йўналиш касбларни ривожлантириш ва меҳнат бозорининг мутлақо янги архитектурасини шакллантиришга қаратилган. Давлатимиз раҳбари ушбу масалага алоҳида эътибор бергани бежиз эмас. Бугун дунёда янги технологиялар, рақамлаштириш ва сунъий интеллект таъсирида меҳнат бозори тубдан ўзгармоқда. Мамлакатимизда эса ҳар йили 300 минг олий маълумотли ёш меҳнат бозорига кириб келмоқда. Бу эса уларни иш билан таъминлаш ва замонавий касбларга йўналтиришни стратегик вазифага айлантирмоқда.

Яқин йилларда кўплаб анъанавий касблар автоматлашиши ёки мутлақо янги малакаларни талаб қилиши кутилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистон бу глобал ўзгаришларга тайёр бўлиши шарт.

**Анваржон МИРКОМИЛОВ,**
**Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди масъул ходими**

Қисқаси, тўртинчи устувор йўналиш ёшларни касбли, рақобатбардош ва замонавий меҳнат бозори талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган кадрлар сифатида тайёрлашга йўналтирилган.

Бешинчи устувор йўналиш экологик мувозанатни таъминлаш, “яшил” энергетикани ривожлантириш ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган.

Экология масаласи инсон саломатлиги, иқтисодий ривожланиш ва келажак авлод ҳаёти билан бевосита боғлиқ. Атроф-муҳитни асрамас эканмиз, барча ислоҳотлар самараси сезиларли даражада пасайиши табиий. Бунга йўл қўймаслик мақсадида йирик саноат корхоналарида фильтр ва замонавий тозалаш иншоотларини ўрнатиш учун 100 миллион долларлик кредит линияси очилади. Шунингдек, ҳавога чиқарилаётган зарарли моддалар махсус мониторинг станциялари орқали доимий назоратга олинади.

Олтинчи устувор йўналиш замонавий давлат бошқаруви ҳамда адолатли суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларини изчил давом эттириш билан боғлиқ. Асосий мақсад давлат хизматлари ва суд-ҳуқуқ тизимини аҳолига янада яқинлаштириш, очиқ, шаффоф ва адолатли бошқарув моделини шакллантиришдир. Бу орқали коррупция ва бюрократиядан холи, самарали экотизимни барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Мурожаатномада алоҳида таъкидланган муҳим жиҳатлардан бири фуқаролик жамияти институтларининг ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашдаги ўрнидир. Давлатимиз раҳбари ушбу институтларни қўллаб-қувватлаш сиёсати келгусида ҳам изчил давом эттирилишини қайд этди.

Хусусан, фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича беш йиллик стратегия ишлаб чиқилиши, нодавлат нотижорат ташкилотларга ижтимоий буюртмалар бериш тизими рақамлаштирилиши ҳамда молиялаштириш ҳажми 2 баробар оширилиши белгиланди.

Бу нима беради? Аввало, лойиҳалар кўламини кенгайтириш, кўпроқ ижтимоий муаммоларни қамраб оладиган, таъсири юқори ташаббусларни амалга ошириш имконияти яратилади. Шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг молиявий барқарорлиги таъминланиб, давлат ва жамият ўртасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланади.

2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши мамлакатимиз ҳаётида муҳим сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга эга воқеа бўлди. Бу ташаббус маҳаллалар фаолиятини янада кучайтириш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва ислоҳотларни энг қуйи бўғиндан бошлаб амалга оширишга қаратилган муҳим қадам сифатида баҳоланади. Чунки маҳалла жамиятнинг энг кичик, бироқ энг муҳим бўғинидир. Маҳаллада тинчлик, тартиб ва ҳамжиҳатлик таъминланса, бутун мамлакатда барқарорлик ва тараққиёт қарор топади. Бугун маҳаллада амалга оширилаётган ҳар бир ислоҳот, ҳар бир ободонлаштириш ва инфратузилма лойиҳаси одамларнинг кайфиятига, давлатга ва келажакка ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, Президентимиз эришилган улкан натижалар ва янги устувор вазифалар “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини қайта кўриб чиқишни тақозо этаётганини алоҳида таъкидлади. Амалдаги стратегия мамлакат олдида турган кўплаб мақсадларга эришиш имконини берган бўлса-да, энди янада баланд маррани қамраб оладиган дастур зарурлиги қайд этилди. Келгуси беш йиллик тараққиётимизга дахлдор ушбу стратегик ҳужжат кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиб, аҳолининг фикр-мулоҳазалари асосида такомиллаштирилиши белгиланди. Бу эса давлат сиёсатида очиқлик ва жамоатчилик иштироки янада ошишини англатади.

Умуман олганда, Мурожаатномада белгилаб берилган устувор вазифалар мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш ва барқарор тараққиётга эришишга қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини янги босқичга олиб чиқади.

---

# ХАЛҚ ВАКИЛЛИГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛИ

**Янги Ўзбекистон сўнгги йилларда сифат жиҳатидан ривожланиш босқичига дадил қадам қўймоқда: мамлакатимизнинг демократик қиёфаси ўзгармоқда, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий янгиланишлар юз бераётир. Энг муҳими, ушбу ислоҳотлар замирини “Инсон қадри” деган улуғвор тамойил ташкил этмоқда.**



**Акром ТОШПЎЛАТОВ,**
**Парламент тадқиқотлари институти директори, юридик фанлар доктори, профессор**

Кейинги ўн йилликда мамлакатимиз давлатчилиги тарихида муҳим сиёсий қадрият шаклланди. Давлатимиз раҳбари парламент ва Ўзбекистон халқига Мурожаатнома йўллаш анъанаси ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди.

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига яқинда йўллаган Мурожаатномасини халқимиз катта қизиқиш билан кутиб олди. Мурожаатнома янги таҳрирдаги Конституцияда белгиланган жамият ва давлатимиз тараққиётининг ҳаётий муҳим мақсадлари юзасидан асосий стратегик йўналишларни белгилаб берувчи муҳим концепция бўлди.

Давлатимиз раҳбари қарашларини ифодаловчи ушбу муҳим дастурий сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат ички ва ташқи сиёсатимизнинг асосий тенденцияларини ўзида мужассам этган, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Зеро, унда янги Ўзбекистонни барпо этишнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ғоявий асослари қамраб олинган.

Яна бир муҳим жиҳат. Мурожаатнома мазмунан мамлакатимизни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси, Тараққиёт стратегияси ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган вазифалар ижросининг сарҳисоби ҳамда истиқболда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар асоси учун ташаббуслар платформаси сифатида ифодаланган.

Қарийб икки йил аввал қабул қилинган ушбу ҳужжат мамлакатимизнинг мавжуд салоҳияти, ўз вақтида амалга оширилган ислоҳотлар реал натижаларни кўрсатгани, шунингдек, айни пайтда глобал геосиёсий ва иқтисодий чақириқлар шароитида мазкур ҳужжатда белгиланган устувор йўналишларни замон талабларига мос равишда такомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда.

Шу маънода, айнан Мурожаатнома орқали жамиятни жипслаштириш, жамоатчиликнинг хоҳиш-истакларини ҳисобга олишга эришиш йўлидаги муҳим қадамлар ташланди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўзбекистон Президенти томонидан муҳим эътироф асосида парламентга жуда катта ишонч билдирилди. Давлатимиз раҳбари бугунги кунда Олий Мажлис энг кучли парламентларга хос барча назорат ваколатларига эга эканини алоҳида қайд этди.

Шубҳасиз, кейинги йилларда миллий парламентимизнинг жамият ва давлат ҳаётидаги роли кенгайиб бормоқда. Ҳар бир стратегик ва халқаро аҳамиятга эга масалаларни муҳокама қилишда парламент фикрини олишга катта аҳамият берилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, бугунги кунга қадар Президентимиз томонидан йўлланган Мурожаатномаларнинг ҳар бир қоидаси, ушбу дастуруламал ҳужжат бўйича ишлаб чиқилган давлат дастурларининг ҳар бир тегишли вазифаси миллий парламентимиз томонидан тўлиқ амалга оширилмоқда. Эътироф этиш лозим — парламент давлат ҳокимияти органлари орасида ўзаро мувозанат ва тийиб туриш тизимида иштирок этиш билан биргаликда, улар фаолияти устидан назорат қилиш билан боғлиқ вазифаларни бажарувчи ҳақиқий демократия мактабига айланди.

Парламентнинг назорат-таҳлил фаолиятини тубдан оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Унинг қонунчилик базаси мустаҳкамланяпти. Миллий парламентга яна бир ваколат берилмоқда. Яъни эндиликда давлат кафолати остида ташқи қарз олишни маъқуллаш масаласи парламентга ўтказилади.

Бу нима дегани? Ҳар қандай лойиҳа юзасидан давлат кафолати остида хорижий молия ташкилотларидан олинадиган қарзни жалб этиш Олий Мажлис палаталарининг қарори билан маъқулланади. Содда қилиб айтганда, энди парламентга давлат кафолати остидаги ташқи қарз олиш зарурати ҳар томонлама асослантириб берилади. Бунда масъул вазирлик ва идоралар аниқ ҳисоб-китобларни тақдим этади.

Бир сўз билан айтганда, жалб қилинадиган ташқи қарзларни олиш ёки олмаслик масаласи депутатларнинг, таъбир жоиз бўлса, “элагидан” ўтказилади.

Мурожаатномадаги яна бир муҳим ташаббус бундан буён давлат харидларида товар, иш ва хизматларни тўғридан тўғри сотиб олиш мумкин бўлган ҳолатлар фақат қонун билан белгиланади.

Қайд этиш керак, давлат харидлари соҳаси бўйича қонунчиликдаги баъзи бўшлиқлар соҳада шаффоф ва рақобатбардош тизимни яратишга салбий таъсир кўрсатаётган эди. Эндиликда тўғридан тўғри давлат харидларини амалга оширишнинг аниқ мезонлари қонун даражасида мустаҳкамланади.

Депутатлик корпуси фаолияти кафолатларига оид масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз томонидан депутат сўровлари ижроси ҳар чоракда таҳлил қилиниб, сусткашликка йўл қўйилган ҳолатлар бўйича прокуратурага тақдимнома киритилишига оид таклиф илгари сурилди.

2023 йилда ўтказилган конституциявий ислоҳотлар асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қиёфаси тубдан ўзгарди. Вилоят ҳокимлари ва маҳаллий кенгашлар раислари лавозимлари бир-биридан ажратилди. Маҳаллий кенгаш раиси депутатлар орасидан сайланиши белгиланди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига кўплаб ваколатлар ўтказилди. Кенгаш сўрови ва кенгаш текшируви институтлари жорий этилди.

Галдаги муҳим вазифа — депутат сўровлари ижросининг тўлақонли таъминлашдан иборат. Чунки “депутат сўрови — халқ сўрови”дир, бу ҳудудларда аҳоли манфаатларини тўлиқ таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, жойларда ҳокимликлар фаолияти устидан кенгашлар ва жамоатчилик назоратини кучайтиради.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Мурожаатномада илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар янги Ўзбекистонда халқ вакиллигининг замонавий тизимини мустаҳкамлашга хизмат қилади, парламент фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш учун аниқ йўналиш ва устувор вазифаларни белгилаб беради.

Давлатимиз раҳбарининг стратегик ғоялари асосида Мурожаатнома парламент учун дастуруламал аҳамият касб этиб, халқчил ва ҳаётий қонунларни яратиш, таъсирчан парламент назоратини амалга ошириш ҳамда сайловчилар билан очиқ ва демократик мулоқотни йўлга қўйишда муҳим методологик асос сифатида намоён бўлмоқда.

---

Обод манзиллар





# БАҒДОДДА НИМА ГАПЛАР?

**Бағдодлик Асилбек Набижонов бир неча йил бозорда пойабзал савдоси билан шуғулланди. Янги Ўзбекистондаги ўзгаришлар сабаб қўшни давлатлар билан чегаралар очилиши маҳсулотга бўлган талабни кундан кунга оширди. Айни пайтда юртимизда тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга эътибор кучайди, имтиёзлар кенгайди. Буларнинг барчаси қаҳрамонимизнинг пойабзал ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш истагини ҳаракатга айлантирди.**

Лойиҳа Бағдод туман ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланди. Қўштегирмон қишлоғида янги корхона қурилиши учун ер ва 395 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Дастлаб ўнга яқин ишчи билан фаолият бошлаган корхонада ҳозир 80 нафардан кўп ёшлар меҳнат қилмоқда. Корхонада бир кунда 2500 жуфт қулай ва юқори сифатли болалар пойабзаллари ишлаб чиқарилади. Қувонарлиси, маҳсулот Марказий Осиё давлатларига экспорт ҳам қилиняпти.

— Бир пайтлар оддий тегирмон тошини айлантириш осон бўлмаган, — дейди корхона раҳбари Асилбек Набижонов. — Бугун ҳамма нарса ўзгарди. Ишлайман, маҳсулот ишлаб чиқариб сотаман деган ташаббускорларга барча шароит бор. Бундай имкониятлар янги лойиҳаларни амалга ошириш учун рағбат бўляпти. Хусусан, яқинда чармни қайта ишлаш ва қадоқлаш қутилари ишлаб чиқариш йўналишида янги лойиҳаларни ишга туширмоқчимиз. Шу орқали ишлаб чиқариш ҳажми ва экспорт салоҳияти ошади. Қўшимча иш ўринлари яратилади.

Бир неча йил аввал қишлоқларда саноат ишлаб чиқариш корхонасини очиш хомхаёл эди. Чунки аксарият қишлоқларда электр энергия, йўл, сув, табиий газ каби инфратузилма тармоқлари йўқ эди. Уларсиз тадбиркор лойиҳаларини амалга ошира олмайди. Энди қишлоқларда ҳам аҳоли ва ишлаб чиқариш тармоқлари учун муҳим бўлган инфратузилма яратиляпти. Натижада қишлоққа саноатни олиб кириш, қўшимча иш ўринлари яратиш имкони пайдо бўлди.

— Қишлоғимизда замонавий ишлаб чиқариш корхонаси ишга тушгач, ҳаётимизда ўзига хос ўзгаришлар бўй кўрсатди, — дейди Дилфуза Имомова. — Илгари иш деса фақат далани, деҳқончиликни тушунардик. Энди кенг ва ёруғ хоналарда замонавий ишлаб чиқариш ускуналари ёрдамида 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар учун пойабзал тайёрлаяпмиз. Бепул тушлик, ишга келиб-кетишимиз учун транспорт ажратилган. Шу пайтгача уй бекаси эдим. Ҳозир касбим, даромадим бор. Меҳнатим туфайли оиламга ёрдам, барака олиб киряпман.

Тадбиркор Муҳаммадсодиқ Абдуғаниев асос солган “NAMUNA TOSH JILO” оилавий корхонаси ҳам Намуна маҳалласида ишга тушган истиқболли лойиҳалар сирасига киради. Бу ерда 10 та иш ўрни яратилган. Ишчилар мармар тошларга қайта ишлов бериш орқали бозоргир маҳсулот тайёрламоқда.

— Корхонамизда “TEPLO MAN” бренди остида ақлли иситиш печлари тайёрланмоқда, — дейди “METAL LAZER” МЧЖ раҳбари Бахтиёржон Солижонов. — Маҳсулотларимиз кам ёнилғи сарфлаб, кўп самара бериши билан ажралиб туради. Бир йилда 7 миллиард сўмдан ортиқ иситиш печлари тайёрлаб беряпмиз. Бу сўнгги чегара эмас. Ҳозир 60 та иш ўрни ташкил қилганмиз. Энди фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида замонавий ускуналар сотиб олиш борасида изланишлар олиб боряпмиз.

Бағдод туманида 2025 йилда 22,5 миллион доллар ҳажмида хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Шунингдек, экспорт ҳажми 28,3 миллион долларга етказилди. Инвестиция дастурлари доирасида 127 та лойиҳа ишга тушди. Бу 22 мингдан ортиқ юқори даромадли иш ўрни яратиш имкониятини берди. “Камбағал оилалар реестри”га киритилганларнинг аксарияти камбағалликдан чиқарилди. Натижада туманда ишсизлик даражаси 5 фоиз ҳамда камбағаллик кўрсаткичи 5,4 фоизга тушди.

— Ўтган 2025 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 триллион сўмга, қишлоқ хўжалигида 3,4 триллион сўмга, бозор хизматлари кўрсаткичини 8 триллион сўмга ҳамда қурилиш ишлари ҳажмини 6 триллион сўмга етказишни мақсад қилгандик, — дейди туман ҳокими Ғанижон Солиев. — Солиқ базасини кенгайтириш ва яширин иқтисодиётга барҳам бериш орқали йил якуни билан маҳаллий бюджетга 80 миллиард сўм маблағ жалб этилди. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилиб, улар “чемпион” тадбиркорга айланиши учун фаол қўллаб-қувватланяпти.

Туманнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, 6 та “драйвер” лойиҳа аниқлаб олинган. Улардан 2 таси саноат, 4 таси хизмат кўрсатиш йўналишида. Дастлабки ҳисоб-китобга қараганда, ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати 59,8 миллиард сўмни ташкил этмоқда.

“Чекхитой” маҳалла фуқаролар йиғинида “Зарбдор” тажрибаси бўйича халқаро аҳамиятдаги серқатнов йўлнинг бир километр қисмида инфратузилма яхшиланади. Бунинг ҳисобига 90 та савдо ва хизмат кўрсатиш объекти бунёд этилди. “Сайхунобод” тажрибаси асосида 2025 йил мобайнида 2360 та микролойиҳа амалга оширилди. Шу орқали 4720 та янги иш ўрни яратилди.

Аҳоли турмуш фаровонлиги ва ҳаёти тўкислигини таъминлашга қаратилган дастурлар кўлами нақадар ранг-баранг экани эътиборга лойиқ. Айтайлик, туризмни ривожлантириш мақсадида туман марказида жойлашган Олмос ва Мустақиллик кўчалари чорраҳасида 24/7 режимида ишлайдиган савдо ҳамда хизмат кўрсатиш объектлари ташкил этилди. “Бир контур — бир маҳсулот” тамойилига кўра, 15,4 гектар ерда экспортбоп мочалка етиштирилди. Бундай эзгу ташаббуслар қўшимча қиймат занжири яратиш, экспорт ва инвестиция салоҳиятини ошириш, тадбиркорлик муҳитини ривожлантиришга хизмат қиляпти.

**Р. КАМОЛОВ,**
**журналист**






Ислоҳот одимлари

**Инсон соғлом ва узоқ умр кечириши учун тоза сув, тўйимли озиқ-овқат билан бир қаторда ҳавонинг софлиги ниҳоятда муҳим омиллар қаторида туради. Аммо сўнгги йилларда атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, чанг-тўзонлар кучайганини инкор этиб бўлмайди. Мамлакатимиз ва минтақамизда ҳам бундай экологик нохуш ҳолатлар тез-тез қайд этилаётгани барчамизни ташвишга солади, албатта.**

# ЭКОЛОГИЯ УЧУН ҚАРИЙБ ИККИ ТРИЛЛИОН СЎМ

## СОҲАГА ҚАРАТИЛАЁТГАН БУНДАЙ ЁНДАШУВ АМАЛДА ҚАНДАЙ САМАРА БЕРМОҚДА?





Баҳор ХИДИРОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

**Инсониятнинг келажак тақдири ва ҳаёт давомийлиги табиат бойликларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишга боғлиқ. Афсуски, ўтган асрларда бу борада мувозанатни сақлашга амал қилинмади. Ҳатто бугунги давримизда ҳам инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик тўлиқ таъминланяпти дейиш мушкул. Сайёрамизнинг қайсидир бурчакларида ўрмонлар аёвсиз кесилмоқда. Инсон омили туфайли келиб чиққан ёнғин гектарлаб яшил майдонларни култепага айлантиряпти.**

Биохилма-хилликни асрашга етарли эътибор берилмаслиги натижасида бир қанча ноёб турлар йўқ бўлиб кетмоқда, кўплаб экотизимлар захираси ортга қайтариб бўлмайдиган жараёнга юз тутган. Аҳоли сонининг кундан кунга кўпайиши эса табиий ресурсларга талабни тинимсиз оширяпти. Бу ҳолат экологик вазиятни янада чигаллаштиряпти.

Шундай мураккаб вазиятда табиатга инсон омилининг таъсирини камайтириш ва барқарор ривожланишга эришишнинг мақбул ечимларини топиш халқаро ҳамжамият зиммасига катта масъулият юклаган. Бу муаммоларни ҳал этиш учун дунё миқёсида кўплаб ташаббуслар илгари суриляпти, бир қатор стратегия ва дастурлар ишлаб чиқилиб, ижросини таъминлаш бўйича узлуксиз иш олиб борилипти.

Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсади ҳам инсониятнинг эртанги тақдирига дахлдор ана шундай долзарб муаммоларга оқилона ечим топиш, экологик барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ўсишнинг ресурслар тежамкорлигига асосланган "яшил" ривожланиш моделига ўтишдир. Қатор стратегик ҳужжатлар доирасида бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Атроф-муҳитни асраш ва "яшил иқтисодиёт" йилида бу ишлар янада кенгайиб, самарали натижаларга эришилди.

Президентимиз Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида бу борадаги устувор вазифалар хусусида тўхталиб, экологик мувозанатни таъминлаш мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири эканини алоҳида урғулади, мазкур жабҳада амалга ошириладиган муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Хусусан, экологик барқарорликка эришиш, ер ости ва ер усти бойликларидан оқилона фойдаланиш, мазкур жабҳада халқаро ҳамкорликни кенгайтириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилади. Жумладан, келгуси йил Самарқандда Глобал экологик жамғарманинг навбатдаги ассамблеяси ва Марказий Осиё халқаро экокўргазмаси ўтказилиши режалаштирилган. Ушбу тадбирлар тармоқлар, ҳудудлар ва бизнес учун ҳамкорлар топиш, янги эколойиҳаларни биргаликда бошлашга катта имконият яратади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида 2 мингга яқин кўмир ва газда иситиладиган иссиқхона бор. Улардан ҳавога йилига 137 минг тонна зарарли модда чиқади. Энди кўмирда фильтрсиз ишлайдиган қозонхоналардан воз кечилади. Уларни пойтахт атрофидан кўчириб, ҳамма жойда марказлашган қозонхоналар орқали иситиш йўлга қўйилади. Шу мақсадда 200 гектардан кам бўлмаган агрокластерлар ташкил этилади, уларнинг таркибига ўтадиган иссиқхоналарга алоҳида субсидия берилади.

Албатта, экология ва атроф-муҳит муҳофазасига бу қадар катта эътибор қаратилиши бежиз эмас. Келажак тараққиётини ўйлаган ҳар бир давлат бу борада тобора глобал тус олаётган экологик муаммоларга бугун эътибор қаратилмаса, эртага кеч бўлишини яхши англамоқда. Шунга монанд равишда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда, аввало, табиий мувозанатга безарар усулларни қўллашга алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимизда 2025 йил давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар изчил амалга оширилиши натижасида сув, ҳаво, тупроқ мусаффолигини таъминлаш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида ресурс тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича муайян натижаларга эришилди. Жумладан, тез суръатларда ўсиб бораётган иқтисодиётимизнинг энергетикага талабини тўлиқ қондириш мақсадида "яшил" қувватлар жадал ривожлантириляпти. Сўнгги беш йилда 6 минг мегаваттли қуёш, шамол ва гидро электр станциялари ишга туширилди, умумий генерацияда "яшил" энергиянинг улуши 30 фоизга етди.

Яқинда ҳамкорлар билан жами 3,5 минг мегаваттли 4 миллиард 200 миллион долларлик янги "яшил" қувватлар қурилишига старт берилди. Бу — 2026 йилнинг ўзида 7 миллиард куб метр табиий газни тежаш ва ҳавога 11 миллион тонна зарарли моддалар чиқишининг олдини олишга замин яратиши билан аҳамиятли.

Қишлоқ хўжалигида сув сарфини камайтириш мақсадида ирригация тизимлари бетонлаштириляпти. Сувни тежайдиган технологиялар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Натижада сув сарфини камайтиришга эришилаётир.

Юртимизда йилига 14 миллион тонна маиший чиқинди ҳосил бўлади. Лекин уларни қайта ишлаш даражаси паст. Шу боис, соҳадаги ишларни ташкил этишда ҳам замонавий ёндашувлар жорий этилмоқда. Чиқинди корхоналари учун янги техникалар олиб берилди. Авваллари давлат монополиясида бўлган соҳада тадбиркорликка йўл очилиб, қулай бизнес муҳити яратилди.

Жумладан, санитар-тозалаш ҳамда чиқиндини қайта ишлаш корхоналари учун фойда солиғи ва ижтимоий солиқ ставкалари 1 фоиз этиб белгиланди. Четдан олиб келинадиган техника ва ускуналар импорт божидан озод қилинди. Натижада бир қатор санитар-тозалаш ва чиқиндини қайта ишлаш корхоналари фаолияти йўлга қўйилди. Маҳаллаларда чиқинди майдончалари қурилди. Тўплаш ва ташиб кетиш яхшилангани натижасида ушбу тармоқ иккиламчи хомашё манбаига айланди.

Бу ишлар такомиллаштирилиб, чиқиндини ёқиш орқали энергия ишлаб чиқариш лойиҳалари қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, Хитой компаниялари иштирокида чиқиндиларни қайта ишлаш заводлари қурилиши бошланди. Лойиҳалар доирасида йилига 3,6 миллион тонна чиқинди қайта ишланади ва катта ҳажмда электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Табиатни асраш ва барқарор ривожланишга эришишда бу жабҳада белгиланган вазифаларни тезкор ҳамда янгича ёндашув асосида сифатли ташкил этиш, экологик қонунчилик ижросини таъминлаш, мазкур йўналишдаги давлат бошқаруви ва назорати тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Президентимизнинг "Экология ва туризм соҳаларида аҳоли талабларига тезкор жавоб бера оладиган бошқарув тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони айни йўналишдаги ишлар ривожида муҳим дастуруламал бўлди.

Унга мувофиқ, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг ташкил этилиши экологик муҳитни барқарор сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш, ўрмонларни кўпайтириш, глобал иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, чўлланишга қарши курашиш соҳаларида ягона давлат сиёсати ва назоратини амалга оширишда муҳим қадам бўлди.

## Экотадбирнинг муҳим натижалари

Инсон соғлом ва узоқ умр кечириши учун тоза сув, тўйимли озиқ-овқат билан бир қаторда ҳавонинг софлиги ниҳоятда муҳим омиллар қаторида туради. Аммо сўнгги йилларда атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, чанг-тўзонлар кучайганини инкор этиб бўлмайди. Мамлакатимиз ва минтақамизда ҳам бундай экологик нохуш ҳолатлар тез-тез қайд этилаётгани барчамизни ташвишга солади, албатта. Бунда



табиий омиллар қаторида табиатга антропоген таъсир ҳам кучайиб бораётгани экологик барқарорликка жиддий таъсир этмоқда.

Яъни кундан кунга кўпайиб бораётган саноат корхоналари, автотранспорт воситаларидан чиқаётган зарарли газлар ҳавонинг сифати ёмонлашишига сабаб бўляпти. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш ва экологик мувозанатни яхшилаш борасида қатъий чоралар кўрилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражасини пасайтириш ҳамда табиатни муҳофаза қилишга доир қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида рейд тадбирлари ўтказилди.

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси маълумотига кўра, 2025 йил 25 ноябрдан 24 декабргача бўлган даврда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан 3700 дан зиёд объект текширилди. Бу жараёнда 1128 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, маъмурий ҳужжатлар расмийлаштирилди. Атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатган юздан ортиқ объект фаолияти 10 иш кунигача бўлган муддатга вақтинча тўхтатилди. Юзга яқин иссиқхонада чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатилди. 6 та иссиқхона газ тармоқларига уланди.

Давлат дастури доирасида бу йўналишдаги ишлар йил давомида тизимли амалга оширилди. Хусусан, экологик вазиятни яхшилаш мақсадида 504 минг автомобиль экологик меъёрларга мувофиқлиги бўйича текширилди. 122 та саноат корхонасида чанг-газ тозалаш қурилмалари ўрнатилди. AI-80 бензинини ишлаб чиқариш тўхтатилди, жорий йилдан бошлаб эса савдоси тўлиқ чекланди. Автотранспортларга экостикер тизими жорий этилди. "Замин" халқаро жамоат фонди билан ҳамкорликда пойтахтимизда 7 автоматик ҳаво мониторинги станцияси ўрнатилди. 74 та корхонада маҳаллий тозалаш иншоотлари модернизация қилинди, икки минг гектар ер рекультивациядан ўтказилди.

"Яшил макон" ташаббуси доирасида 200 миллион тупдан ортиқ дарахт ва буталар экилди, "Менинг боғим" лойиҳаси орқали 208 та "яшил боғ" ва жамоат парклари барпо этилди. Саноат корхоналари атрофида 10 миллион туп кўчат экилиб, кўкаламзор ҳудудлар яратилди. Бу чора-тадбирлар юртимизда сув, ҳаво, тупроқ софлигини сақлаш, экологик муаммоларнинг инсон ҳаёти ва саломатлигига салбий таъсирини камайтиришда ўз самарасини бермоқда.

Айни пайтда пойтахтимизда экологик мувозанатни янада яхшилаш мақсадида шаҳарнинг 4 та қисмида сунъий кўл ва ҳавзалар қуриш ишлари олиб боряпти. Шаҳримизда соя-салқин ҳудудларни кенгайтириш, яшил боғларни кўпайтириш бўйича алоҳида дастур бошланади. Шунингдек, шаҳар дренаж тизимининг мастер-режаси ишлаб чиқилиб, шу йилдан қурилиш ишлари бошланиши эълон қилинди. Дастур доирасида 150 километр ёпиқ дренаж тизимини қуриш, 197 километр канал ва коллекторларни таъмирлаш, 63 километр янги каналлар барпо қилиб, шаҳарда салқин микроиқлим яратиш режалаштирилган. Ёмғир сувини йиғадиган 17 та иншоот барпо этилди. Бу сув дарахт ва яшил ҳудудларни суғоришга ишлатилади.

## Барқарор ривожланиш асоси

Сайёрамиз тараққиётига жиддий тўсиқ бўлаётган яна бир долзарб экологик муаммо иқлим ўзгаришидир. Бунинг олдини олиш учун иссиқхона газларини камайтириш, уларнинг чиқарилишини чеклаш лозим. Шу мақсадда БМТ томонидан қабул қилинган Париж битими мамлакатимиз томонидан ратификация қилинган. Унинг доирасида иссиқхона газлари ташланмаларини камайтириш ва "яшил" ривожланиш тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш белгиланган.

Шу мақсадда "Иссиқхона газлари чиқарилишини чеклаш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Президентимизнинг 2025 йил 7 июлдаги "Халқаро углерод бирликлари бозорида иштирок этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳам бу борада муҳим ҳуқуқий асослардан бири бўлди. Ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифалар ўз вақтида бажарилиши мамлакатимизнинг иссиқхона газлари эмиссиясини глобал миқёсда камайтиришга қўшаётган ҳиссасини янада кенгайтириш ҳамда халқаро углерод бирликлари бозорига чиқишини ташкил этиш орқали инвестицияларни жалб қилиш, атроф-муҳит яхшиланишига ҳамда иқтисодиёт барқарор ривожланиши учун зарур шароит яратишга хизмат қилади.

Айни йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишда ўрмонларни ва яшил ҳудудларни кенгайтиришнинг аҳамияти беқиёс. Зеро, ўрмонлар табиий мувозанатни сақлаш, ҳаво софлигини таъминлаш ва барқарор ривожланишнинг муҳим омилидир. Шу боис, мамлакатимизда ўрмон майдонларини кенгайтириш ва деградацияга учраган ҳудудларни тиклаш бўйича чоралар изчил кенгайтирилмоқда.

2025 йилда ўрмонларни барпо этиш ва тиклаш ишлари 150,7 минг гектар майдонни қамраб олди. Ўрмон-мелиорация тадбирларининг асосий ҳажми Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи ҳудудига қаратилди, у ерда 145,2 минг гектар ўзлаштирилди. Энг катта майдонлар Мўйноқ туманига тўғри келади, у ерда 90,5 минг гектарда ўрмонзор барпо этилган. Шунингдек, Бухоро вилоятининг бир қатор туманлари, Навоий ва Хоразм вилоятларида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. Бошқа ҳудудларда яна 5,5 минг гектар ўрмон барпо этилди.

Шу билан бирга, кўчатхоналарни ривожлантириш ва ўрмон хўжалигининг моддий базасини мустаҳкамлаш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Кўкаламзорлаштиришда барқарор суръатларни таъминлаш учун ўтган йили 979 тонна дарахт ва бута уруғлари тайёрланди. Ўрмон хўжаликларида 1300 гектар майдонда замонавий кўчатхоналар ташкил этилиб, у ерда маҳаллий тупроқ-иқлим шароитига мослашган 123 миллион туп кўчат ва ниҳоллар етиштирилди.

Тупроқ деградациясининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили чўл ва тоғолди ҳудудларида 1390 гектар майдонда ҳимоя ўрмон чизиқлари яратилди. Бу тупроқ эрозияси ва шамол таъсирини камайтиради. Тоғли ва адир ҳудудларда 41 гектарда ўрмонлар террасалаш усули билан барпо этилди, бу эса нишабларни самарали мустаҳкамлаш ва табиий ландшафтларни сақлаш имконини беради. Қўшимча йўналиш сифатида доривор ва озиқ-овқат ўсимликлари плантацияларини ривожлантириш мақсадида 5890 гектар майдонда 7918 тонна маҳсулот етиштирилди.

Ўрмон фондидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш доирасида аввал паст самарали деб топилган 4842 гектар ер ўзлаштирилди. Бундан ташқари, 1530 гектар ўрмон фонди участкалари онлайн-аукционлар орқали ижарага берилди. Бу эса хусусий инвестицияларни жалб қилиш ва ўрмон хўжалиги соҳасида тадбиркорликни ривожлантиришга ёрдам беради.

Ислоҳотларнинг яна бир йўналиши илғор хорижий тажрибани жорий этиш бўлди. Шу мақсадда 100 гектар майдонда янги экспериментал плантациялар яратилди. Арнасой туманида шўрга чидамли ўсимликларнинг янги галофит боғини яратиш ишлари бошланди. Натижада мамлакатимиз ҳудудини қоплаган ўрмонлар майдони 4,7 миллион гектарга етди.

## Электромобиллардан фойдаланиш рағбатлантирилади

Юртимизда амалга оширилаётган экологик ислоҳотларнинг қамрови кенг, кутилаётган натижалар эса анча салмоқли. Зеро, табиат бизнинг яккаю ягона яшаш маконимиз, тириклигимизнинг муҳим манбаи. Шу боис, бу жабҳадаги ислоҳотлар изчил давом этиши ва долзарб экологик муаммоларнинг ечимини топиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар бардавом бўлиши бугунги ва келажак авлодлар олдидаги эзгу вазифамиздир.

Шу маънода, Президентимизнинг парламент ва халқимизга Мурожаатномасида жамиятни юксалтиришнинг муҳим йўналишлари қаторида экологик масалалар ечимига устувор аҳамият қаратилгани давлатимизнинг бу борадаги узоқ муддатли стратегик сиёсатининг яққол ифодаси бўлди.

Хусусан, Мурожаатномада экологик мувозанатни таъминлаш, "яшил" энергетикани ривожлантириш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги устувор вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, саноатни модернизация қилиш ва зарарли чиқиндиларни камайтириш, атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш мақсадида йирик корхоналар учун 100 миллион долларлик кредит линияси очилади. Ушбу маблағлар атмосфера ҳавосига чиқариладиган зарарли моддаларни камайтириш учун фильтрлар, тозалаш иншоотлари ва чиқиндиларни мониторинг қилиш станцияларини ўрнатишга йўналтирилади.

Мурожаатноманинг алоҳида қисми электромобиллардан фойдаланишни рағбатлантиришга бағишланди. Қайд этилганидек, экологик тоза транспорт воситалари сонини оширишга қаратилган беш йиллик дастур амалга оширилади. Дастур доирасида маҳаллий электромобиллар учун автокредитлар 12 фоиз, импорт электромобиллар учун эса 16 фоиз ставкада тақдим этилади. Зарядлаш станцияларини ташкил этаётган тадбиркорларга 10 фоизли имтиёзли кредитлар берилади.

Шунингдек, ер участкаларини аукционларда бозор нархидан икки баравар арзон нархда сотиб олиш имконияти яратилади. Электромобилларни қувватлашда 1 киловатт-соат учун 300 сўмдан ошган электр энергияси харажатларининг бир қисми давлат бюджети ҳисобидан қопланади. Электромобилларда такси хизматини кўрсатаётган фуқаролар учун ҳам қўшимча имтиёзлар белгиланган.

Чанг-тўзонларнинг олдини олиш мақсадида Сурхондарё вилоятида 10 минг гектар майдонда "яшил макон" ҳудуди барпо этилади, Сирдарё вилоятида эса 84 километр узунликдаги "яшил девор" ташкил этилади. Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида жами 250 минг гектар майдонда, жумладан, Оролнинг қуриган тубида 115 минг гектар ерда дарахт ва буталар экилади. Ҳар бир ҳудудда ботаника ва дендрология боғлари, шунингдек, камида 20 та соя-салқин сайр йўлаклари барпо этилиши режалаштирилган.

Президентимиз яқин беш йил ичида корхоналарда экостандартларни жорий этиш камида 30 минг нафар экологик менежер тайёрлашни талаб этишини таъкидлади. Шу муносабат билан 2026 йилда ҳар бир ҳудудда "яшил" техникумлар ташкил этилиб, дуал таълим асосида йилига 10 минг нафаргача мутахассис тайёрлаш йўлга қўйилади. Шунингдек, Марказий Осиё Яшил университети фаолияти кенгайтирилади. Ҳаво, сув ва тупроқ сифатини баҳолашга мўлжалланган комплекс лабораториялар ташкил этилади. Шаҳарларда табиий шамоллатишни кучайтириш бўйича илмий тадқиқотлар ҳам олиб борилади.

Умуман олганда, 2026 йилда экология соҳасини ривожлантириш учун 1 триллион 900 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши режалаштирилган.

Соҳага қаратилаётган бундай эътибор табиатга меҳрли муносабат орқали келажак авлодларга унумдор ер, зилол сув, мусаффо ҳавога эга бўлган гўзал Ватанни мерос қилиб қолдиришдек эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш йўлида қўйилган муҳим қадамлардир. Табиийки, эзгу ниятлар амалга ошиши учун бутун жамиятимиз якдил ва ҳамнафас бўлиши айни муддао. Зеро, табиат ҳар бир инсонга онадек азиз. Шундай экан, унинг бағри бутун ва барқарор бўлиши ҳар биримизнинг фарзандлик меҳримиз ва эътиборимизга боғлиқ.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2026 йил 16 январь, 10-сон
yuz.uz_news yuz.uz_news

Шарҳ



# Сунъий интеллект: тўртинчи саноат инқилоби остонасида

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

**Бугунги глобал рақобат шароитида ҳар бир давлат ўз келажагини инновация, билим ва рақамли ечимлар асосида барпо этмоқда. Ўзбекистон ҳам ана шу улкан ўзгаришлар жараёнида янги тараққиёт босқичига қадам қўйиб, сунъий интеллект ва илғор технологияларни миллий ривожланишнинг муҳим драйверларидан бири сифатида белгилаб олмоқда.**

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига қилган Мурожаатномасида жорий йил учун белгиланган устувор йўналишлардан бири иқтисодиётни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш экани бежиз эмас. Чунки барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, глобал бозорда рақобатбардошликни таъминлаш ва янги қиймат яратиш айнан замонавий технологиялар билан узвий боғлиқ.

Прогнозларга кўра, келгуси йилда иқтисодиётда 6,6 фоиз ўсишни таъминлаб, ялпи ички маҳсулот ҳажмини 167 миллиард долларга етказиш режалаштирилмоқда. Агар меҳнат унумдорлиги, энергия самарадорлиги ва ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш бўйича тизимли ишлар олиб борилса, ушбу кўрсаткични янада ошириш учун барча имкониятлар мавжуд.

Ана шу мақсадда саноат соҳасида “Унумдорлик ва самарадорликни икки карра ошириш” дастури ишга туширилади. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан меҳнат унумдорлиги ва энергия самарадорлигини оширишга қаратилган алоҳида лойиҳа амалга оширилади. Ушбу ташаббус доирасида халқаро молия институтларидан 200 миллион доллар миқдорида кредит ва грантлар жалб қилиниб, саноат корхоналарига хориждан юқори малакали технолог ва муҳандислар олиб келинади. Шу билан бирга, бизнес жараёнлар рақамлаштирилади, энергия ва бошқа харажатларни қисқартириш бўйича аудитлар ўтказилади ҳамда илғор технологиялар трансфери таъминланади.

Бу ислоҳотларни тизимли равишда амалга ошириш мақсадида “Тўртинчи саноат инқилоби маркази” ташкил этилади. Марказ негизида робототехника, интернет буюмлари, “ақлли” фабрикалар каби “Индустрия 4.0” ечимларини саноат корхоналарига жорий этиш учун махсус тартибга солиш механизми яратилади. Бу механизм корхоналарга янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишдан олдин уларни синовдан ўтказиш имконини беради.

Бугунги кунда сунъий интеллект соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар фақат технологик ривожланишни эмас, балки инсон салоҳиятини ошириш, билим ва интеллектуал қудратни юксалтиришни ҳам мақсад қилади. Шу боис, тезкор ўзгаришлар даврида сунъий интеллект қандай имкониятлар очаётгани, қайси соҳаларда янги салоҳият яратаётгани ва энг муҳими, унинг илдизи қайси омилларга таяниши масалалари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Яқинда оммавий ахборот воситаларида ривожланган давлатлардан бирида сунъий интеллект вазир лавозимида ишлай бошлагани ҳақида хабар тарқалди. Бир эшитганда бу янгилик кишида шубҳа уйғотиши табиий: инсон ақли маҳсули бўлган дастур қандай қилиб бундай масъулиятли вазифани бажара олади? Бунинг ажабланарли жиҳати йўқ. Илгари фақат буйруқ бажарадиган дастурлар энди қарор қабул қилиш, тизимни бошқариш даражасигача етмоқда.



Кўпчилик бу ўзгаришга бошқачароқ ёндашмоқда. Одамлар учун энди вазифани ким бажараётгани эмас, қандай бажараётгани муҳим. Яъни коррупциясиз, шахсий манфаатларсиз, холис ва самарали бошқарув бўлаётган экан, бу вазифани инсон ёки сунъий интеллект бажараётгани катта аҳамият касб этмаяпти.

Сунъий интеллектнинг бу даражада ривожланиши қатор саволларни кун тартибига олиб чиқмоқда. Инсон ихтиро қилган сунъий идрок одамзоддан устун бўлиб қолмайдими, яъни соҳибларини бошқара бошламайдими? Ёки инсон ва техника ўртасидаги муносабатлар келажакда қандай шаклланади? Бу каби саволларга жавоб топишдан олдин ўтмишга юзлансак.

Сунъий интеллект тушунчаси яқинда пайдо бўлган эмас. Асрлар давомида инсоният тафаккур қобилиятини ошириш, ақл-идрокини янада самарали қўллаш мақсадида турли ихтиролар яратиб келган. Булар замирида одамзоднинг меҳнати, тафаккури ва интилиши мужассам бўлган. Ҳар бир янгиликда инсон тафаккури маҳсули акс этади. Энди эса бу тараққиёт янги босқичга кўтарилди, яъни сунъий интеллект инсон тафаккурининг бир қисми сифатида ривожланмоқда. Бироқ қанчалик тезкор ва аниқ ишламасин, унда инсонга хос қалб, ҳиссиёт ва руҳий кечинмалар мавжуд эмас. Аммо мукаммал аниқлик ва самарадорлик билан ҳаракатланади. Ана шу жиҳати туфайли сунъий интеллект кўпчиликни ҳайратга солмоқда.

Технологик тараққиёт тарихига назар ташласак, саноат инқилоби жараёнида инсон ва машина муносабати изчил ўзгариб борганини кўрамиз. Биринчи саноат инқилоби қўл меҳнатидан машина меҳнатига ўтишга замин яратиб, мануфактура саноати ўрнига йирик индустрия шаклланишига олиб келди. Бу жараён меҳнат унумдорлигининг ошиши, шаҳарлашув кўлами кенгайиши (урбанизация), иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш даражаси яхшиланиши каби ижобий ўзгаришларда акс этди.

Иккинчи саноат инқилоби эса темир йўл қурилиши, электр энергияси ишлаб чиқарилиши ва кимёвий саноат ривожланиши билан тавсифланади. Бу даврда конвейер усулида оммавий ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мазкур янгилик ишлаб чиқариш тезлиги ва самарадорлигини оширди.

Учинчи саноат инқилоби даврида автоматлаштириш, атом электр станциялари фаолияти, алоқа воситалари ва компьютерлар пайдо бўлди. Бу босқичда инсоннинг кўплаб ақлий вазифалари технологиялар зиммасига юкланди, яъни инсон ва машина ўртасидаги муносабат янада чуқурлашди.

Бундай улкан ўзгаришлар инсонларни тўхтаб қолишга эмас, аксинча янада илгарилашга ундади. Интеллектуал масалалар, илмий муаммолар ва фантастик тасаввурлар ҳақидаги муҳокамалар янги босқичга кўтарилди. Илгари фақат фантастик асарларда учрайдиган ҳодисалар энди ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бугун муҳокама марказида турган сунъий интеллектга кўпчилик олим ва мутахассислар тўртинчи саноат инқилобининг асосий белгиси сифатида қарамоқда.

Интеллект ахборотни англаш, идрок этиш, қайта ишлаш, сақлаб қолиш ва асосли қарорлар қабул қилиш қобилиятидир. У инсонлар, ҳайвонлар ва ҳатто айрим машиналарда ҳам турли даражада мавжуд бўлиши мумкин. Аммо интеллект мавжудлиги ҳар доим онг мавжудлигини англатмайди. Интеллект ҳисоб-китоб қилиш, маълумотни таҳлил этиш ва муаммоларни ечиш имконини беради. Онг эса ҳиссиётга эга, юксак психик фаолият шакли бўлиб, фақат инсонга хос.

Сунъий интеллект ва нейрон тармоқлар айнан шу интеллектуал қобилиятга эга дастурлар ва қурилмаларни яратишга қаратилган технологиялар мажмуасидир. Улар инсоннинг ақлий имкониятларини моделлаштириш ва амалий фаолиятга татбиқ этишга қодир.

Ҳозир маълумотлар оқими тобора ортиб бораётгани сабабли мураккаб муаммоларни ҳал этиш жараёни инсон учун муайян ноқулайликлар туғдирмоқда. Шунинг учун ҳам сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича дунё миқёсида изчил ишлар бажарилмоқда. Бу технология инсоннинг оғирини енгил қилиш, самарадорликни ошириш, янглишиш эҳтимолини камайтириш имконини бермоқда.

Айниқса, тиббиёт соҳасида сунъий интеллектнинг ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Энг мураккаб жарроҳлик амалиётлари сунъий интеллект ёрдамида бажарилмоқда. Бу эса хатар даражасини камайтириб, самарадорликни оширмоқда. Шу билан бирга, сунъий интеллект асосида йирик лойиҳаларни режалаштириш, вақт ва ресурсларни тежаш имконияти туғилмоқда.

Технологиянинг бу каби имкониятлари кенг қўллаб-қувватланмоқда. Айрим мамлакатларда ҳатто сунъий интеллектга ихтисослашган университетлар ташкил этилмоқда. Бу таълим муассасалари келажак мутахассисларини тайёрлаш, соҳага оид тадқиқотларни чуқурлаштириш ва инновацион ғояларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим ўрин тутмоқда.



## Миллиардларга татийдиган лойиҳалар

Бугун дунёда сунъий интеллект технологиялари иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, хавфсизлик ва бошқа муҳим йўналишларда асосий воситалардан бирига айланиб улгурган экан, улар давлат бошқарувида самарадорликни ошириш, ресурслардан тежамкор фойдаланиш, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатлар тобора изчил ва мақсадли тус олмоқда. Давлатимиз раҳбари 2025 йил 6 октябрь куни мамлакатимизда сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш ҳамда уларни иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларга кенг татбиқ этиш масалаларига бағишланган тақдимот билан танишди.

Тақдимотда давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, сунъий интеллект нафақат иқтисодий ривожланиш, балки самарали бошқарув, хавфсизлик, таълим ва соғлиқни сақлашда ҳам муҳим воситага айланмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам бу соҳада тизимли ислоҳотлар амалга оширилиб, мамлакатимиз сунъий интеллектни татбиқ этиш бўйича халқаро рейтингда 17 поғона юқорилади. Ҳозир Ўзбекистон 188 давлат орасида 70-ўринни, Марказий Осиё бўйича эса 1-ўринни эгаллаб турибди.

Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда сунъий интеллект лойиҳаларини жорий этиш мақсадида 50 миллион доллар ажратилган. Соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт, экология ва молия соҳаларини қамраб олган 86 та лойиҳа шакллантирилди. Ҳозир сунъий интеллектни қўллаш учун зарур ҳисоблаш имкониятларини яратиш мақсадида “супер компьютер кластери”ни ташкил этиш ишлари жадал давом эттирилмоқда.

Соҳада кадрлар тайёрлаш суръатини ошириш мақсадида кўплаб дастурлар амалга оширилмоқда. “Бир миллион сунъий интеллект етакчилари” миллий дастури доирасида ёшлар учун aistudy.uz ва omp.aistudy.uz платформалари ишга туширилди. Уларда сунъий интеллект бўйича 5 та бепул онлайн ўқув дастури йўлга қўйилган. Дастур доирасида 2027 йилга қадар 1 миллион йигит-қиз сунъий интеллект соҳасига доир билим ва кўникмаларга эга бўлади.

Ёшлар — бугунги ривожланишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи. Шу боис, улар учун сунъий интеллект ҳакатонлари ташкил этилмоқда. Яқинда Нукус шаҳрида соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича “HealthTech AI Hackathon” мусобақаси муваффақиятли ўтказилди. Бундай ташаббуслар бошқа соҳаларда ҳам кенг йўлга қўйилиши режалаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ушбу ислоҳот ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаб, уларни янада жадаллаштириш, илғор тажрибаларни амалиётга жорий этиш ва соҳага инвестицияларни жалб қилиш бўйича аниқ топшириқлар берди. Ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда “катта маълумотлар” базасини яратиш, уларни қайта ишлаш учун замонавий инфратузилмани йўлга қўйиш ҳам белгиланди. Бу эса фақат технологик ривожланиш эмас, балки янги тараққиёт босқичининг бошланишидир.

Ўзбекистон бугун ўз тараққиёт йўлида муҳим босқичга етди. Бу борада илм, тафаккур, янги ғоялар ва замонавий ечимларга асосий устувор омил сифатида қаралмоқда. Сунъий интеллектни кенг жорий этишга доир саъй-ҳаракатлар юртимиз фақат технологик тараққиётни эмас, балки инсон салоҳиятини ривожлантириш, ҳар бир фуқаронинг билим ва имкониятларини юксалтиришни мақсад қилиб олганини кўрсатади. Инсон ва сунъий интеллектнинг ҳамкорлиги бугун биз учун янги имкониятлар эшигини очмоқда. Бу имкониятлардан унумли фойдаланиш эса эртанги кунимизни қандай қура олишимизга боғлиқ.

## Имконият соясидаги хавфлар

Сунъий интеллект ҳаётимизга қулайлик олиб кириш билан бирга бутун жамият ва глобал иқтисодий тизимни ўзгартириш қобилиятига ҳам эга. Илгари фақат фантастик асарларда учрайдиган роботлар, интеллектуал дастурлар ва машиналар энди ҳаётимизнинг ажралмас қисмидек намоён бўлмоқда. Қатор олимлар сунъий интеллектга фақат манфаат келтирадиган соҳа эмас, балки чексиз қудратга эга бўлиб бораётган тизим сифатида қарамоқда. Унинг оқибатлари ҳақида турли фаразларни илгари сурмоқда.

— Сунъий интеллект математика, дастурлаш, биология каби йўналишлар бўйича фалсафа доктори талаблари даражасида яхши натижа кўрсатмоқда. Менимча, 2026-2027 йилларга бориб, деярли барча йўналишни ҳамма одамдан яхши билувчи сунъий интеллект тизимларига эга бўламиз, — дейди ANTHROPIS компанияси асосчиси Дарио Амодеи. — Сунъий интеллект ёрдамида дунёдаги барча муаммони бир зумда ҳал қилиш мумкинми? Менимча, йўқ. Масалан, мустақил ҳаракатланувчи автомобиллар ишлаб чиқариш муаммоси ҳанузгача долзарб. Шунинг учун сунъий идрок имкониятлари физик оламнинг хусусиятлари ва қонуниятлари билан чекланган. Фармацевтика соҳасини олайлик: сунъий интеллект бизга клиник синовларни тезлаштириш имконини беради, бироқ уларни барибир одамлар ўтказишига тўғри келади. Чунки физика ва биологиядаги қонуниятлар билан ҳисоблашиш керак. Агар сунъий интеллект имкониятларидан тўғри фойдаланилса, биология каби йўналишлар бўйича 5-10 йилда 100 йиллик тараққиётга эришиш мумкин.

Сунъий интеллектни ривожлантириш жараёнида нафақат технология ва иқтисодиёт, балки ахлоқ, ҳуқуқ ва инсон қадр-қиммати нуқтаи назаридан ёндашиш талаб этилади. Қонунчилик, назорат тизимлари ва халқаро стандартлар ушбу технологиялардан хавфсиз ва масъулиятли фойдаланишни кафолатлаши зарур.

— Универсал сунъий интеллектни ўрганиш учун кўпроқ сармоя ажратилиши лозим. Уни ишлаб чиқиш қўлимиздан келмоқда. Бу борада аниқлаштирилиши зарур бўлган жуда кўп жиҳат бор. Шахсан мен бу жараённинг марказида бўлсам ҳам сунъий интеллект тараққиётининг секинроқ бўлишини хоҳлайман. Бироқ жараён тобора тезлашмоқда, — дейди Стенфорд университети профессори Ечин Чой. — Менимча, сунъий интеллектни ўзини ўзи такомиллаштиришига эмас, инсон ҳаётини яхшилашга кўпроқ йўналтириш лозим. Бу орқали инсоният олдидаги энг мураккаб саволларга жавоб топиш имконияти кенгаяди. Масалан, табиий офатлар, ўрмон ёнғинлари каби ҳодисаларни қандай бошқариш мумкин? Уларни олдиндан тахмин қилиш ёки моделлаштириш мумкинми? Шунингдек, сунъий интеллектни шунчаки ривожлантириш ўрнига унга инсон қадриятлари ва ахлоқий меъёрларни ўргатишга алоҳида эътибор қаратиш керак, деб биламан.

Сунъий интеллект инсониятнинг энг улкан ихтироси бўлиши мумкин. Бироқ у аниқ мақсад, масъулият ва инсон манфаатларига хизмат қилиши шарт.

**Сардор ТОЛЛИБОЕВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**



# БИОЛОГИК ҲИМОЯ – БАРҚАРОР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАЯНЧИ

Мулоҳаза

***Бугунги глобал экологик муаммолар, иқлим ўзгариши ва озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари қишлоқ хўжалигида мутлақо янгича ёндашувларни талаб этмоқда. Ана шундай шароитда ўсимликларни ҳимоя қилишда биологик усулларни кенг жорий этиш, кимёвий воситаларга қарамликни камайтириш ва табиий мувозанатни сақлаш устувор вазифага айланмоқда. Бу борада Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги тизимига хусусий секторни жалб этган ҳолда техник таъминотни яхшилаш ва фаолиятни ривожлантириш чоралари кўрилмоқда.***



**Юсуф БЎРОНОВ,**
**Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги “Биосифат” республика маркази раҳбари**

Мамлакатимизда биолабораториялар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш бўйича изчил ишлар бажарилмоқда. Хусусан, биолаборатория фермер хўжаликлари ва агрокластерларга биологик хизмат кўрсатиш баробарида биомаҳсулотларни кўпайтириш учун зарур озуқа маҳсулотлари билан таъминлашга амалий ёрдам бермоқда. Бу эса тизимнинг барқарор ишлашини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

2025 йилдан бошлаб илгари биолаборатория сифатида фаолият юритиб келган биноларни давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорлик субъектларига ажратиш чоралари кўрилаётгани ҳам соҳадаги институционал ислоҳотларнинг мантиқий давомидир. Бу орқали хусусий сектор фаоллигини ошириш, инвестиция жалб этиш ва замонавий бошқарув усулларини жорий этиш имконияти кенгаяди.

Биолабораторияларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ҳам органик ва хавфсиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Замонавий технологиялар биомаҳсулотларни сифатли ва салмоқли ҳажмда кўпайтириш, экин майдонлари бўйлаб тезкор тарқатиш имконини беради. Натижада фермер хўжаликлари ва агрокластерларнинг биологик ҳимоя воситаларига ишончи ортади, кимёвий препаратлардан фойдаланиш эса босқичма-босқич камаяди.



Энг муҳими, биологик усуллар табиатдаги биохилма-хилликни сақлаш, фойдали ҳашаротлар популяциясини кўпайтириш ва экологик барқарорликни таъминлашга хизмат қилади. Шу мақсадда фермер хўжаликлари ва агрокластерларга жамғарма маблағи ҳисобидан имтиёзли кредитлар ажратиш, биолабораторияларда биомаҳсулотлар ишлаб чиқаришга зарур озуқа маҳсулотларини харид қилиш учун олдиндан бўнак билан қўллаб-қувватлаш амалиёти йўлга қўйилмоқда.

Биологик кураш усулларининг амалдаги самараси рақамларда яққол кўриняпти. Ҳудудларда фаолият юритаётган 639 та биолабораторияда 2024 йилги мавсумда миллиардлаб олтинкўз, трихограмма ва бракон каби энтомофаглар кўпайтирилиб, миллионлаб гектар ғалла ва пахта экин майдонларига тарқатилди. 2025 йилги мавсумда эса бу кўрсаткич янада ошиб, энтомофагларни зараркунандаларга қарши бир неча марта қўллаш орқали ҳимоя самарадорлиги кучайтирилди.

Келгусида биолабораторияларни тўлиқ қувватда ишга солиш натижасида биомаҳсулотлар ҳажми сезиларли даражада ортади, янги иш ўринлари очилади ва кимёвий воситаларга қарамлик кескин камаяди. Айниқса, энтомофагларни тарқатишда замонавий техника ва дрон технологияларини қўллаш меҳнат харажатини камайтириш, иш унумдорлигини бир неча баравар ошириш имконини беради. Бу эса биологик ҳимоя усулларини ҳатто етиб бориш қийин бўлган экин майдонларида ҳам самарали қўллашга хизмат қилади.

Биолабораториялар фаолияти зараркунандаларга қарши кураш билан бирга барқарор ривожланиш, экологик хавфсизлик ва соғлом авлод келажагига қаратилган стратегик йўлдир. Биологик ҳимояни ривожлантириш орқали мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги янги сифат босқичига кўтарилади.

Тиббиёт

# ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ

## мамлакат ривожининг асосий индикаторларидан бири



**Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан глобал ўзгаришлар ва замонавий тенденцияларни инобатга олган ҳолда "Ўзбекистон — 2030" стратегиясининг такомиллаштирилган лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ҳужжат лойиҳасидан аҳоли саломатлигини таъминлаш билан боғлиқ қатор устувор мақсадлар ҳам жой олган. Уларнинг рўёбга чиқарилиши натижасида кутилаётган самарадорлик кўрсаткичлари йиллар кесимида акс эттирилган. Жумладан, оналар ва болалар саломатлигини таъминлашга йўналтирилган вазифаларга кенг ўрин берилган. Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Элмира БОСИТХОНОВА билан суҳбатимиз шу мавзуда кечди.**



**— Оналар ва болалар саломатлиги дунё бўйича ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ривожланиш индикатори ҳисобланади. Шу маънода, мазкур йўналишда олиб борилаётган тизимли ишлар самараси бугун нималарда кўзга ташланмоқда?**

— Келинг, суҳбатимизни ўтган йил манзаралари билан бошласак. 2025 йил Ўзбекистон тиббиёти учун, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш йўналишидаги энг қутлуғ йиллардан бири бўлди. Ўзбекистонда илк бор 231 та туғуруқ комплекси бир вақтнинг ўзида 30 турдаги, 5500 дан ортиқ асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланди. 10 дан зиёд туғуруқ комплекслари қурилди. 40 дан зиёди тўлиқ реконструкция қилинган бўлса, 150 та комплекс таъмирланди. 50 мингдан ортиқ тиббиёт ходимининг малакаси оширилди. Буларнинг барчаси оналик ва болаликка кўрсатилаётган хизмат сифатини ошириш, халқаро стандартларга жавоб берадиган тизим яратилишига асос бўлмоқда.

Бугунги кунгача ҳудудларда перинатал технологиялари жорий этилган бўлиб, фетал тиббиёт йўлга қўйилди ва юқори профессионал неонатал жарроҳлик усуллари амалиётга татбиқ этилмоқда. Рақамлаштирилган технологияларнинг кенг жорий этилиши тиббий ёрдам сифатини оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Мамлакат бўйлаб ҳомиладор аёлларнинг электрон маълумотлар базаси яратилди. Табиийки, бу барча зарур маълумотларни тезкор равишда олиш ҳамда ҳомиладор ва туққан аёлларни парвариш қилиш режаларини, шунингдек, "йўл харита"ларини ишлаб чиқиш имконини берди. Ўз навбатида, 9-14 ёшли қизларни одам папилломаси вирусига қарши эмлаш ҳамда 35-55 ёшдаги аёлларда саратонни эрта аниқлаш бўйича скрининг текширувлари жорий этилиши натижасида бу борадаги кўрсаткич сезиларли даражада ошгани ҳам қувонарли. Ўтган йилда юртимизда она ва бола саломатлиги учун масъул еттита тиббиёт муассасасининг халқаро аккредитация сертификатига эга бўлганлиги муҳим воқеадир. Бу оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимидаги ишлар халқаро тиббий стандартларга жавоб бераётганининг ишончли тасдиғи бўлди. 40 тадан зиёд протокол жаҳон стандартлари асосида қайта ишлаб чиқилди ва ўрнатилган тартибда тасдиқланди. Бирламчи тизимда 8 минг 500 патронаж доя фаолият олиб бораётгани оналик ва болалик муҳофазасига бўлган эътибордан далолат. Оналар ўлими 2025 йилда 35 фоизга камайди. Бу жуда муҳим ўзгариш.

Мамлакатимизда "Ўзбекистон — 2030" стратегияси доирасида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида тиббиёт соҳасида ҳам салмоқли натижаларга эришилди. Бироқ ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмайди. Мавжуд эҳтиёж ва талаблардан келиб чиққан ҳолда барча соҳаларда такомиллашиб боришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бугун "Ўзбекистон — 2030" стратегияси кўрсаткичларини қайта кўриб чиқиш зарурати юзага чиқмоқда. Унда юқорида таъкидланган ишлар янги кўламда, такомиллаштирилган ҳолда давом эттирилиши кўзда тутилмоқда. Жумладан, болалар ўртасидаги ирсий касалликларнинг олдини олиш ва даволаш самарадорлигини ошириш, чақалоқлар ҳаёти учун хавфли туғма нуқсонлар билан туғилиш даражасини, шунингдек, оналар ўлимини камайтириш назарда тутилган.

Охирги тўққиз йилда мамлакатимизда орфан касалликларига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Орфан бу — жуда кам учрайдиган, туғма генетик хасталик. Ундан тузалиш тиббиёт тарихида деярли кузатилмайди, лекин бундай дардга чалинган болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, уларни энг замонавий, самарали дори-дармон билан таъминлаш орқали саломатлигини муҳофаза қилиш ва тиклаш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 3 ноябрдаги "2026-2030 йилларда кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. 4500 дан зиёд ана шундай касаллик билан касалланган болаларга қарийб 1 триллион сўм маблағ ажратилди. Бу болаларимизни патогенетик дорилар, алоҳида шифобахш озуқалар билан таъминлашга йўналтирилади.

Фарзанднинг тўрт мучаси соғ бўлиб дунёга келиши оилаларнинг бахти ва тўкислиги, бағри бутунлиги демакдир. Нафақат жисмоний кемтиклик, балки оиланинг руҳий ҳолатига ҳам зарба бўладиган ногиронлик ҳолатлари билан туғилишни кескин камайтириш юзасидан чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёлларни фолий кислотаси, темир, йод препаратлари билан таъминлаш, фарзанд кутаётганларни пренатал скринингдан ўтказиш, скрининг текширувида агар ҳомилада қандайдир ўзгаришлар аниқланса, ота-оналарга бола ҳаётига хавф, аччиқ оқибатлар ҳақида тушунтириш ишларини олиб боришимиз зарур.



3-15 ёшдаги болаларни йод препарати, 15-35 ёшдаги хотин-қизларни поливитамин, темир ва фолий кислотаси билан кўрсатмага мувофиқ 100 фоиз бепул таъминлаш вазифаси келтирилган. Бунга қандай зарурат бор эди? Боланинг ривожланишида атроф-муҳит омили муҳим ўрин тутади. Экологик муаммолар, мамлакатимизнинг денгиздан йироқлиги оналар ва болаларни поливитаминлар, йод ва бошқа микроэлементлар билан қўшимча таъминлашимизни тақозо қиляпти. Барча ҳудудларда ҳар бир тиббий бригадада тармоқ режалари шакллантирилиб, тасдиқланди. Мисол учун, бир тиббий бригадада 700 нафар бола қамраб олинадиган бўлса, ҳар бирининг дори ёки микроэлементни қабул қилиш, тиббий кўрикдан ўтиши муддатлари аниқ режа асосида белгиланди. 2026 йил ана шу тармоқ режаси асосида аниқ, ҳар бир шахсга йўналтирилган ҳаракатларни бошлаймиз.

**— Болалар орасидаги юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларни камайтириш бўйича амалга оширилаётган ишларга ҳам тўхталсангиз.**

— Бугун болаларни 13 турдаги вакцина билан эмлаш амалиёти йўлга қўйилган. Коронавирус пандемиясидан кейин касалликлар болаларда турли асорат қолдиряпти. Масалан, қизамиқ касалликдан кейин панэнцефалит ҳолатлари кузатиляпти. Бу, асосан, қизамиқ вируси билан боғлиқ, марказий нерв тизимини зарарловчи жуда кам учрайдиган, оғир хасталик ҳисобланади. Давоси йўқ, фақат симптоматик даволаш қўлланилади, вакцинация эса унинг олдини олади. Шу боис, барча болаларни эмлаш билан қамраб олиш биз учун жуда ҳам муҳим. Бу жараёнда поликлиникаларда вакцинация учун шароит яратишдан ташқари турли юқумли касалликларнинг оғир асоратидан сақланишда эмлашнинг аҳамияти беқиёслигини аҳолига тушунтиришимиз керак. Чунки ҳали ҳамон эмлаш саломатликка зиён етказади деган нотўғри тушунча учраб турибди. Бизнинг бу борадаги ҳаракатларимиз самараси натижаларда акс этиши зарур.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, охирги 60 йил ичида вакцинация тўғри қўлланилганлиги туфайли дунёда болалар ўлими 30 фоизга камайди. Шу мисолнинг ўзи эмлаш қанчалик ижобий самара беришига далил бўла олади.

Юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш ишлари ҳам ўта муҳим. Тезкор ва шиддатли даврда кенг тарқалаётган касалликлардан бири гиподинамия (камҳаракатлилик) эканлиги сир эмас. Бу болалар ўртасида ҳам кўп кузатилаётир. Турли гаджетлар, ижтимоий тармоқларга боғланиб қолиш нафақат руҳий ўзгаришларга сабаб бўлади, балки юқумли бўлмаган касалликларга ҳам кенг йўл очади.

Саломатликни сақлашда тўғри овқатланишнинг ўрни беқиёс. Айниқса, фарзанд кутаётган аёллар бунга алоҳида эътибор қаратишлари керак. Ширин, газли ичимликлар бола вазни ошиши, ошқозон-ичак, жигар, юрак-қон томир тизимидаги касалликларга ҳам сабаб бўлиши исботланган. Болага зарур витамин ва микроэлементлар она сути орқали ўтади. Унинг афзалликлари ҳақида тарғиботни кучайтирамиз.

Умуман, соғлом турмуш тарзи, ортиқча вазнга йўл қўймаслик, тўғри овқатланишга амал қилиш, жисмоний фаолликни ошириш, зарарли одатлардан воз кечиш ва улар натижасида оналар, туғилажак фарзандларда инфаркт, инсульт, қандли диабет, онкология каби касалликларнинг олдини олиш галдаги вазифа сифатида белгиланмоқда.

**— Касалликнинг олдини олишда тиббий тизим имкониятлари билан бир қаторда оилавий маданиятнинг ўрни алоҳида, шундай эмасми?**

— Албатта, профилактика фақат тиббиётга тааллуқли эмас. Тиббий маданиятни шакллантириш, профилактик тадбирларни амалга ошириш, тиббий кўриклардан вақтида ўтиш бевосита жамиятнинг ўзи билан ҳам боғлиқ. Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи ва тиббий маданиятни шакллантириш зарурати тобора долзарб бўлиб бормоқда. Чунки юрак-қон томир, ўпка ва нафас тизими касалликлари, онкология ва қандли диабетга чалинганлар сони тобора ортиб бораётгани сир эмас. ЖССТ экспертлари таъкидлашича, юқумли бўлмаган касалликлар хавф омилларига қарши профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш орқали барвақт ўлимни анча камайтириш мумкин. Бунинг олдини олиш учун, албатта, превентив, яъни профилактик тиббиётни амалиётга киритиш зарур.

> **"Саломатликни сақлашда тўғри овқатланишнинг ўрни беқиёс. Айниқса, фарзанд кутаётган аёллар бунга алоҳида эътибор қаратишлари керак. Ширин, газли ичимликлар бола вазни ошиши, ошқозон-ичак, жигар, юрак-қон томир тизимидаги касалликларга ҳам сабаб бўлиши исботланган.**

Ҳар қандай касалликнинг олдини олиш ва оқибатларидан сақланиш учун тиббий кўрикнинг аҳамияти беқиёс. Масалан, болаларда онкологик касалликларнинг олдини олиш учун 18 ёшгача бўлган болаларни онкологик касалликлар скринингидан ўтказишимиз керак. Шу ҳақда маълумотга эга бўлса-да ота-оналар унчалик аҳамият бермаяпти. Агар улар етарли маълумотга эга бўлмаса, бу тиббий бригададаги патронаж ҳамширалар камчилиги. Биз қанчалик ҳаракат қилмайлик, жамиятда, оилада ва маҳаллаларда тиббий маданият қарор топмаса кўзланган самарага эришиш мушкул. Аҳолида профилактик тиббиётдан кўра, даволаш бўйича талаблар катталигини кузатяпмиз. Ривожланган мамлакатларда касалликнинг олдини олишга катта аҳамият берилади, одамлар касал бўлмаслик учун қайғуради.

Қолаверса, оммавий тадбирларга кичик ёшдаги фарзандларни олиб бориш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки ўткир респиратор касалликларининг болаларга юқиш эҳтимоли жуда катта. Тажрибамизда шу сабаб туфайли мавсумий юқумли касаллик билан стационар даво учун мурожаат қилганлар сони кўпайиши кузатилди. Кичик ёшдаги болалар саломатлигини асрашга эътибор бериш, уларни чиниқтириш ҳам тиббий маданиятнинг бир кўриниши.

**"Янги Ўзбекистон" мухбири Рисолат МАДИЕВА суҳбатлашди.**

---

Ғоядан амалиётга




# "МЕНИНГ МАКТАБИМ" ЛОЙИҲАСИ НИМАСИ БИЛАН МУҲИМ?

Бошланиши 1-бетда

Энг долзарб, инновацион ва амалга оширишга тайёр таклифлар рағбатлантирилади. Мақсад — мактабларни замон талаблари асосида модернизация қилиш ва ўқувчиларни фаол иштирокчи сифатида жалб этиш. Ҳар бир мактабда камида битта лойиҳа ғолиб деб топилади. Қийматидан келиб чиқиб, икки ёки ундан ортиқ лойиҳа ҳам ғолиб бўлиши мумкин.

2025 йилнинг 22 октябридан бошлаб 2025/2026 ўқув йили доирасида "Менинг мактабим" лойиҳасининг биринчи босқичига старт берилган. Ушбу босқичда 1-, 2- ва 4-тоифага киритилган 112 та тумандаги 4987 та мактаб иштирок этди. Ўтган йил 15 декабрдан бошлаб эса лойиҳанинг 2-босқичига киришилди. Ушбу босқичда 3- ва 5-тоифага киритилган 96 та тумандаги 5104 та мактаб қатнашмоқда. Мазкур жараёнда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан фаол ўқувчиларни рағбатлантириш мақсадида "Энг қизиқарли лойиҳа" танлови ўтказилиши эълон қилинди. Танлов 10 та "Энг қизиқарли лойиҳа", ижтимоий тармоқларда ёритилган 10 та "Энг яхши видеоролик" йўналишларида ташкил этилиши маълум қилинди. Бунда исталган 5-11-синф ўқувчиси ўзининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасига #meningmaktabim ҳештеги остида




видеоролик жойлаштириши ва унга илова қолдириши мумкин. Видеороликлар орасидан энг кўп маъқуллангани сараланиб, фаол иштирокчилар махсус совғалар билан тақдирланиши мақсад қилинган.



## Жараёнда қандай иштирок этилади?

Лойиҳаларини "Openbudget.uz" порталига киритмоқчи бўлган ўқувчилар синф раҳбарлари кўмагида ўзининг телефон, планшет қурилмалари ёки мактаб компьютерларидан фойдаланади. Мактаб раҳбарияти уларга зарур шароит яратиб беради. Лойиҳалар порталдаги "Менинг мактабим" бўлими орқали киритилади. Порталдан фойдаланиш учун ҳар бир ўқувчига автоматик тарзда "калит сўзлар" шакллантирилади. Калит сўзлар ўқувчилар ота-оналарининг телефон рақамларига СМС хабар орқали юборилади. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги яқинда "Openbudget.uz" порталида "Менинг мактабим" лойиҳаси овоз бериш жараёнларида ота-оналарининг "E-Maktab" тизимига уланган рақами ўзгарган ёки СМС келмаётган ўқувчилар учун "Қайта калит сўз юбориш" ва "Телефон рақамни қайта бириктириш" функциялари ишга туширилганини маълум қилди. Ўйлаймизки, бу овоз бериш жараёнида юзага келадиган муаммоларга ечим бўлади.



**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**

Синф раҳбарлари ҳар бир ўқувчига ўзининг махсус "калит сўз"ларини махфий тутиши ҳамда учинчи шахсларга ошкор этмаслиги ҳақида тушунтириш бериши керак.

Ўқувчилар ўз лойиҳаларини автоматик тарзда — лойиҳа намуналари орасидан ўзига ёққанини танлаш ва мустақил равишда — тақдим этилган лойиҳа намуналари орасида мавжуд бўлмаганларини янгидан шакллантириш орқали илгари суриши мумкин. Мустақил равишда лойиҳа шакллантирган ўқувчи лойиҳанинг мазмуни, эришиладиган натижа ҳамда унинг дастлабки қийматини кўрсатиши лозим. Шу маънода, ҳам мазкур танлов ўқувчилар ўртасида "Менинг мактабим" лойиҳасининг оммалашувига хизмат қилиши ҳамда уларнинг ўзаро мулоқот ва ижодий ҳамкорлик платформасига айланиши мумкин.

## Фаоллик манфаатдорликка хизмат қилади

2-босқич доирасида 15-24 декабрь кунлари шакллантирилган лойиҳалар 25 декабрь-10 январь кунлари сараланди. 11-20 январь кунлари овоз бериш босқичлари ўтказилиши режалаштирилган. Жараён 20 январь куни ҳам тўлиқ давом этади. 15 январь ҳолатига кўра, овозлар сони 200 мингдан ошди.

Айтиш жоизки, ҳар бир ўқувчи фақат бир марта овоз бера олади. Таклифлар ўқувчилар овозига кўра баҳоланади. Лойиҳа ғолиб деб топилиши учун камида 10 та овоз тўплаши зарур. 5-синфдан 11-синфгача бўлган ҳар бир ўқувчи ўзи таълим олаётган умумтаълим мактабларини жиҳозлаш ёки қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширишга доир лойиҳаларни илгари суриш билан мактабини севишини амалда ифода этиб, унинг замонавий қиёфа касб этишига ҳисса қўшади. Шу ўринда 2024/2025 ўқув йилги дастлабки лойиҳада, янгилик бўлишига қарамай, ўқувчиларнинг фаол иштирок этгани қувонарли. Улар томонидан жами 19 минг 545 та лойиҳа келиб тушди. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 13-умумтаълим мактаби мисолида айтадиган бўлсак, мактаб ўқувчилари томонидан илгари сурилган 174 та лойиҳа орасидан мактабга радиоузел тармоғини ўрнатиш (59 та овоз), интерактив сенсорли панел (30 та овоз), кутубхона учун юмшоқ қопламали ўриндиқлар харид қилиш (28) лойиҳалари ғолиб деб топилди.

Юқорида айтганимиздек, қийматига кўра, бир мактабдан икки ёки ундан ортиқ лойиҳа ғолиб бўлиши мумкин. Шу маънода, лойиҳа кўплаб мактабларимизда эртамиз эгалари орзусига монанд шароитлар яратилишига хизмат қилади. Умид қиламизки, лойиҳа минглаб мактаб ўқувчиларининг эртанги кунга умидини ошириб, таълим тизимидаги янгиланишлардан манфаатдорлигига хизмат қилади.

**Муножат МЎМИНОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири**

**Қийналган дамларда суянчиқ бўлиш, меҳр-мурувват кўрсатиш халқимизга хос фазилат. Бундай қадриятлар кейинги йилларда ҳар жиҳатдан ривожланиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Бу ижтимоий ҳимоя борасидаги ишлар мисолида яққол кўзга ташланади.**





**Инсон қадри учун**




**Янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар иккита муҳим жиҳати билан ажралиб туради: биринчиси, инсон қадрини улуғлаш бош мезон қилиб олингани бўлса, иккинчиси ўзгаришлар барча ҳудудда амалий тус олганидир. Буни ижтимоий хизмат кўрсатиш борасидаги янгиланишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.**

# Меҳр, ишонч ва эътибор тимсоли

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилгач, бу борадаги ишлар янги босқичга чиқди. Бугун ҳар бир маҳаллада ижтимоий ходим фаолият юритмоқда. Улар уйма-уй юриб аҳолининг аҳволини ўрганяпти, заруратга қараб кўмак беряпти. Бу ўзгаришларни оддий одамлар ўз ҳаёти мисолида ҳис қиляпти. Юртдошларимиз ижтимоий ходим тимсолида давлатимизнинг одамларга меҳри, ишончи ва эътиборини кўраётгани ҳам айни ҳақиқат. Шу ўринда яратилган имкониятлардан унумли фойдаланаётган ижтимоий ходимлар, улар туфайли эртанги кунга ишончи мустаҳкамланаётган юртдошларимиз ҳақида ҳикоя қиламиз.

* * *

Амударё туманидаги “Тошёп” овул фуқаролар йиғинидаги ижтимоий ходим Мавлуда Қаландарова фаолият бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, у хизмат вазифасини бажаришда самимийлиги, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиши, муаммоларни ҳал этишдаги фидойилиги туфайли ҳурмат-эътибор қозониб улгурди.

У илк иш куниданоқ тизимда белгиланганидай 104 хилдаги ижтимоий хизмат тури бўйича аҳолининг аризаларини қабул қилди. Ҳар бир мурожаат бўйича “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда ўрганишлар олиб борди. Кейс-менежмент асосидаги ўрганишлар натижасида фуқароларда 34 турдаги ижтимоий хизматга эҳтиёж борлиги аниқланди.

— Мутахассислар иштирокида тиббий текширувлар ўтказиб, таълимдан узилиб қолган 5 боладан 1 нафари кундузги парваришга олинди. Шунингдек, 2 бола “Имкон” ўқув маркази, қолганлари эса “Нурли макон” ўқув маркази кўмагида таълимга қамраб олинди, — дейди Мавлуда Қаландарова. — 2025 йил бошидан бери ногиронлиги бўлган 8 фуқаро ўзига муносиб иш билан таъминланди. Ногиронлиги бўлган яна 8 шахс адаптив спорт гуруҳларига йўналтирилди ва 6 нафари тиббий-ижтимоий экспертиза комиссиясининг хулосаси асосида параспортга жалб этилди. Кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 16 кишига куз-қиш мавсуми учун кийим-кечак олиб берилди.

Мавлуда Қаландарованинг фаолиятида бу каби хайрли ишлар талайгина. У васийлик ва ҳомийликка олинган болалар бўйича мониторинг юритиб, ёлғиз яшайдиган фуқароларнинг ижтимоийлашувига кўмаклашиб келяпти. Улар учун маданий-маърифий тадбирлар ташкил этишда ҳам фаол. Умуман олганда, имкониятлардан самарали фойдаланиб, уйма-уй юриб одамларга кўмакчи бўлиб келяпти.

— 2025 йил бошидан бери ўзгалар парваришига муҳтож 4 фуқарога қараб туриш учун ассистентлар бириктирилди. Шунингдек, ногиронлиги бўлган 8 кишига стационар шароитда даволаниши учун кўмак берилди. Тазйиқ ва зўравонликка учраган 15 аёл-қизга зарур психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Қолаверса, 171 фуқарога коммунал тўлови учун бир марталик моддий ёрдам ажратилди, — дейди Мавлуда Қаландарова.

Амударё туманидаги Намуна маҳалласида турли миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ яшаб келмоқда. У ерда комплекс хизмат кўрсатувчи ижтимоий ходим ва “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигида хатлов ўтказилди. Уйма-уй юриб аҳолининг ҳаёт тарзи кейс-менежмент усулида ўрганилди. Натижада 12 тоифадаги фуқаролар 100 турдан ортиқ ижтимоий хизматга муҳтож экани аён бўлди.

— Ўтган даврда ногиронлиги бўлган 8 нафар шахсга протез-ортопедия мосламалари, реабилитация техник воситалари олиб берилди, — дейди Намуна маҳалласининг комплекс хизмат кўрсатувчи ижтимоий ходими Наврўзбек Сафаров. — Ногиронлиги бўлган, лекин меҳнат қилишга имкони ва истаги бор яна 10 фуқаронинг имконияти ўрганилиб, барқарор даромадли ишга жалб этилди. Саломатлигини тиклаш ниятидаги 2 фуқарога даволаниши учун “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан амалий ёрдам кўрсатилди. Ногиронлиги бўлган бир бола психологик тиббий-педагогик комиссия назоратидан ўтказилиб, инклюзив таълим олиши учун шароит яратилди. Шунингдек, ногиронлиги бўлган 3 ёшнинг имконияти алоҳида ўрганилиб, улар адаптив спортга жалб этилди ва мунтазам шуғулланиши учун шароит яратилди.

Маҳаллада кам таъминланган 62 оилага болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинланди. 33 та оила камбағаллик реестрига киритилди. Ижтимоий ходимнинг саъй-ҳаракати билан 113 та оилага коммунал тўлов учун бир марталик моддий ёрдам ажратилди. Кам таъминланган 8 оила фарзандлари боғчага имтиёзли жойлаштирилди.





— Иккинчи гуруҳ ногирониман. Турмуш ўртоғим менга қараб ўтиришга мажбур эди. Ижтимоий ходим ва “маҳалла еттилиги” оиламиз шароитини ўрганиб, бизни камбағаллик реестрига киритди, — дейди ушбу маҳаллада яшовчи Севара Жуманиёзова. — Турмуш ўртоғим мавсумий ишларга жалб этилиб, фарзандларимнинг муносиб таълим олиши учун шароит яратиб берилди. Менга эса уйда қараб туриш хизмати ёрдам беряпти. Бундан жуда миннатдорман.

Маҳаллалардаги Наврўзбек Сафаров каби ижтимоий ходимлар ҳар куни хонадонма-хонадон юриб, “Инсон қадри учун” тамойили асосида самарали фаолият юритяпти. Улар инсон қадр-қиммати ҳамма нарсадан устун экани борасида давлат сиёсатини олис қишлоқ ва овулларда яшаётган юртдошларимизга амалда намоён этмоқда.

* * *

Термиз шаҳридаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази. Имконияти чекланган, оғир вазиятга тушган, ижтимоий ҳимояга муҳтож юртдошларимизга индивидуал ёндашув асосида ёрдам кўрсатилаётган маскан. Бу ерда психолог хизмати, тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Мадина Мамарайимова бир йил аввал марказга келиб, мурожаат қилганида ҳаёти ўнгланиб кетишига ўзи ҳам унчалик ишонмаган эди.

Турмушидаги бетартибликлар, саломатлиги яхши эмаслиги, тушунарсиз психологик ҳолати унга ечими йўқ муаммодек туюларди. Бу ерга келиб мурожаат қилгач, психологлар унинг оғирини енгил қилди. Муаммоларини ҳал этишга киришди. Бир йил муқаддам оғир ҳаётий вазиятда яшаган Мадина бугун энг кучли аёлга айланди.

Назира Менглиева Ангор туманининг Гиламбоб маҳалласида яшайди. У ҳам ёлғиз она, ҳам 2-гуруҳ ногирони. Фарзанди Зарифжон Тожиев Янги турмуш маҳалласида ташкил этилган кундузги парвариш хизматига берилган. “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази Назиранинг бандлигини таъминлади. Бугун у фарзандининг ёнида, шу парвариш хизматида тарбиячи ёрдамчиси бўлиб меҳнат қилмоқда. Бундан ташқари, аёлга 1 миллион сўмлик бир марталик моддий ёрдам тайинланди.

— Ангор тумани Гиламбоб маҳалласида фаолият юритаётган парвариш хизматида жисмоний имконияти чекланган 16 болани соғломлаштириш, ўқитиш ва қаров ишлари йўлга қўйилган, — дейди тарбиячи Барно Тоғаева. — Болаларимиз бу ерда соғлиғини тиклаш баробарида жамиятга қўшилиб, ижтимоий муҳитга ҳам мослашиб боряпти.



Туманнинг Улуғбек маҳалласида яшовчи Малоҳат Расулова 1-гуруҳ ногирони, яъни шу кунга қадар тўшакка михланган эди. Унга “Фаол ҳаётга қадам” дастури асосида тиббий-ижтимоий реабилитация ҳамда уй шароитида ижтимоий-маиший хизматлар кўрсатиш бошланди. Натижада аёлнинг соғлиғи тикланиб, ҳаёт тарзи сезиларли даражада яхшиланди.

Бугун Ангор туманида 65 юртдошимиз “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасидаги хизматлардан фойдаланяпти. Уларга кундузги қатнов ва уй шароитида қаров, тиббий-ижтимоий реабилитация, ижтимоий-маиший хизматлар бекаму кўст кўрсатилмоқда.

Яна бир мисол: туманнинг Қорасув маҳалласида яшовчи 2-гуруҳ ногирони Зафар Тошмуродов ҳам энди иш жойига эга. “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази кўмагида у туман ободонлаштириш бошқармасига ишга жойлашди. Ўрганган билими асосида бош ҳисобчига ёрдамчи лавозимида фаолиятини давом эттиряпти.

— Зафар Тошмуродов ўз устида ишлагани, ахборот технологиялари соҳасидаги билими ва амалий кўникмаси туфайли жамият учун керакли шахсга айланди. У шу жиҳати билан бошқаларга ҳам намуна бўляпти, — дейди “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази раҳбари Ўғилшод Хонова. — Яратилган имконият сабаб бундай юртдошларимизга ўз вақтида керакли кўмак бера оляпмиз.

Ҳа, бугун мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизими чин маънода инсонпарварлик ва меҳр-эътибор рамзига айланди. Буни “Фаол ҳаётга қадам” лойиҳаси асосида бажарилаётган кенг кўламли ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Термиз туманидаги Мангузар маҳалласида ҳам кундузги қараб туриш хизмати йўлга қўйилган. Бу ерда ўзгалар парваришига муҳтож, ёлғиз яшовчи, ногиронлиги бўлган 17 юртдошимизга ижтимоий ёрдам кўрсатиляпти.

* * *

Фарғона шаҳридаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур маҳалласида яшаётган Мамлакатхон Тўраева бир неча йилдан буён хаста. Аввалига чап, кейин ўнг томонлама гемипарез бўлди. Боз устига қандли диабет, қон босимининг муттасил кўтарилиши уни анча толиқтирди. Аёл бир неча ой ўрнидан тура олмай, тўшакка михланиб ҳам қолди.

Бугун унинг ҳаётга муносабати мутлақо бошқача. Чунки яхшилар кўмаги, давлат қўллаб-қувватловини дилдан ҳис қилди. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси тасарруфидаги ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази шифокорлари Мамлакатхонга мунтазам реабилитация хизмати кўрсатиб келмоқда. Шифокор Маҳлиё Саидова ҳамда ёрдамчи мутахассис ҳафтада икки марта хонадонга келиб, эрготерапия, уқалаш, даволовчи гимнастика, тикланиш терапияси ва замонавий амплипульс аппарати орқали муолажалар ўтказди. Амалий саъй-ҳаракат, яхшиларнинг меҳри туфайли онахон оёққа турди. Ҳасса ёрдамида бўлса-да, мустақил ҳаракатланмоқда.

— Йиллар давомида дард билан курашиб келаман, — дейди Мамлакатхон ая. — Менга кўрсатилаётган амалий ёрдам учун чексиз миннатдорман. Бизга кўмакчи, суянчиқ бўлиб келаётган ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази шифокорлари, маҳалламизнинг ижтимоий ходимларига ҳурматим баланд. Улар билан тез-тез қўнғироқлашиб тураман. Чунки ҳаммасини фарзандимдек яхши кўраман.

Саломатлиги тикланиб, фаол ҳаётга қайтган Мамлакатхон ая энди уй шароитида чойшаб тикиб, кўпнинг корига яраяпти. Қўшимча даромад топиб, фаровон яшашга интилмоқда.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур маҳалласида ногиронлиги бор 142, якка-ёлғиз 4 фуқаро яшайди. Улар ҳам ижтимоий кўмак, маънавий қўллаб-қувватловни ҳис қилмоқда. Шу кунга қадар уларнинг ижтимоий ҳолати, яшаш шароити ўрганилиб, 2 нафарига реабилитация, яна 2 нафарига маиший хизмат кўрсатилмоқда. Ногиронлиги бўлган қолган фуқароларга реабилитация воситалари, протез-ортопедия маҳсулотларини тақдим этиш орқали ижтимоий фаоллиги оширилди.



Фарғона вилоятида реестрга киритилган ёлғиз кексалар сони — 2092 нафар. Улар йилда бир марта чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади. Шунингдек, 36 шахснинг яшаш шароити мослаштириб берилди. Бундан ташқари, реестрдаги 1546 ёлғиз кекса қонунчиликда назарда тутилган бепул дори-дармон билан таъминланяпти.

— Президентимизнинг 2025 йил 8 майдаги “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори туфайли кўплаб ўксик кўнгилларга қувонч улашилди. Уларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланди, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси шуъба мудири Фаррухбек Сайдалиев. — Мазкур қарор ижроси доирасида 2025 йил 1 июндан бошлаб “Фаол ҳаётга қадам” дастури йўлга қўйилди. Дастур нафақат ижтимоий хизматлар сонини кўпайтирди, балки инсонларнинг ҳаётга интилишини қайта уйғотди. Энди уй шароитида ижтимоий-маиший ёрдам, қараб туриш, тиббий-ижтимоий реабилитация, кундузги қатновда хизмат кўрсатиш ва шахсий ёрдамчи каби 5 та қўшимча хизмат тури йўлга қўйилди. Уларнинг харажати “Оила ҳамкори” платформаси орқали тақдим этиладиган ваучерлар билан қисман қоплаб берилмоқда. Ушбу хизматлардан ҳозир 3465 киши фойдаланяпти.

Қийналган дамларда суянчиқ бўлиш, меҳр-мурувват кўрсатиш халқимизга хос фазилат. Бундай қадриятлар кейинги йилларда ҳар жиҳатдан ривожланиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Бу ижтимоий ҳимоя борасидаги ишлар мисолида яққол кўзга ташланади.

**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**
**Сарвар ТЎРАЕВ,**
**Расулжон КАМОЛОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбирлари**

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-146.
32015 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Беккул Эгамқулов
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 01:55 Топширилди — 01:55